

ҚАНДИЛАТ ЮСУПОВА
(ШАҲНОЗ)

ОҶУ ФАРЁДИ

ШЕЪРЛАР

ТОШКЕНТ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
2013

УЎК:821.512.133 - 1

КБК:84 (5Ў)7

Ю – 91

Юсупова, Қандилат

Оҳу фарёди. Шеърлар. / Қандилат Юсупова. – Т.: Янги аср авлоди. 2013. -100 бет.

ISBN 978-9943-27-112-8

Шеърят – инсон кўнглида кечадиган энг нозик ҳисларни, энг муқаддас туйғуларни бор гўзаллиги билан тараннум этувчи бир оламдир.

Қандилат Юсупованинг ижоди билан танишар экансиз, кўнглингиздан кечаётган энг нозик ҳислар айнан муаллиф шеърига кўчмаганмикан, деган хаёлга борасиз. Дарҳақиқат, Қандилатнинг шеърларида кўнглидан кўнглига қўйиладиган «Сўз» бордек, назаримизда.

Ёш шоиранинг ижоди адабиёт ихлосмандларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

УЎК:821.512.133-1

КБК:84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-112-8

© Қандилат Юсупова. «Оҳу фарёди» «Янги аср авлоди», 2013.


ОРЗУЛАР ҚАСРИГА ЙЎЛ

Шеър дарддан яралади, дейишади. Шеър ўзи азоб, изтироб, ғусса, алам, дейдилар. Тўғри, лекин ҳаёт кўзгуси бўлган адабиётда “Орттирилган дард, ўзлаштирилган қадар” муаммоси ҳам борки, ўн гулидан бири очилмаган ижодкор ҳам йўқ жойдан азоб топишга, ўзини қийнашга, ўзи чекмаган қайғуни ўқувчига юқтиришга интилади. Бу уринишлар, албатта, қаламкашнинг истеъдод даражасига кўра салмоқ касб этади.

*О, қайдадир мен кутган нажот,
Қайдан келдинг бегона қайғу?
Улғаймоқда кўксимдаги дод,
Гуллаб-яшнай бошлаган қўрқув!*

(“Ожизлик” шеърдан)

Қандилат Юсупова (Шаҳноз)ни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси сифатида таниганман. У пайтда жажмандеккина бу қизча Хемингуэйдан қилган таржималари билан, тўғрироғи, журъати билан устозларни хайрон қолдирганди. Бугун у бир даста шеърларини тутиб, фикр сўраб турибди. Қайта-қайта ўқиб, ўзининг рухсати билан айрим қаторларга қалам теккизиб, мулоҳаза қилиб топган хулосам шуки, бу орзуманд қизгина ҳаётдан жуда кўп мўъжиза кутади, баланд-паст муносабатлардан, ноҳақликлардан ҳақли равишда азият чекади. Ҳаётдан, одамлардан аразлайди, пинҳон-пинҳон кўзёш тўқади, энг асосийси, адолат учун, ҳақиқат учун ўзини курашга чоғлайди. Ана шу курашчанлик, уйғоклик ҳиссиёти ўқувчида ҳам маълум



таассурот уйғотади. Бу бугунги ёшларимиз учун ўзига хос сифат, мактовга арзирли хол.

*Орзулар қасрига етмоқ истаيمان,
Она, оёғимдан кетмасдан мадор.
Бу чақир даштлардан кетмоқ истаيمان,
Дилим гулзоридан кетмасдан баҳор —
Орзулар қасрига етмоқ истаيمان!*

(“Орзуларим қасри” шеърідан)

Ҳаёт — кураш майдони, қандолат дўкони эмас. Адабиёт ҳам. Бу жабҳада сафларда илғор бўлган, ўзини аямай сўзини аяган, ёзганларига бешафқат бўлганлар ғолибдир. Ана шу қондасиз “ҳарбу зарб”ларда (“ҳарфу зарб” деса ҳам бўлади) Қандилат синглимизга матонат тилаймиз.

***Иқбол Мирзо,
Ўзбекистон халқ шоири***

* * *

Юрагим, сен “Чарчадим!” дема,
Кўлларим, ёзишдан тўхтаманг.
Ки, мен ўлгумдир акси бўлса,
Акси бўлса... Тамом бўламан!..

Мен хурсанд бўлгумдир
Ёнса қалбим,
Дардим аланга олса...
Дилга ўт солса!

Ба-а-арчани масрур қилгумдур...
Бахтли қилгумдур...
Юрагим ёнса...
ЮРАГИМ ЁНСА!..

ЎЗБЕГИМ

Номинг ўзи даво бемор жонимга,
Сингиб кетгансан сен бутун қонимга,
Аксинг кўринар бир бурда нонимда,
Сендан улуғим ҳам борми, ўзбегим?

Умринг бўйи йўлдош сенга шу меҳнат,
Ягона Оллоҳга қилиб итоат,
Иймонинг бутундир сенинг тоабад,
Сендан улуғим ҳам борми, ўзбегим?

Дейсан: “Болаларим омон бўлса бас”,
Сен учун фарзандинг энг, энг муқаддас,
Ўзинг-чун ҳам яшаб кўрдингми бирпас,
Сендан улуғим ҳам борми, ўзбегим?

Бир жонмас, минг жоним сенгадир қурбон,
Таърифинг айтишга сўзим бир жаҳон,
Сен ўзинг султоним, сен ўзинг ҳоқон,
Сендан улуғим ҳам борми, ўзбегим?

Қуйлай десам ожиз мендаги бу соз,
Сени чин юракдан севганлигим рост,
Битта таърифингни қилдими Шаҳноз,
Сендан улуғим ҳам борми, ўзбегим?

БОРЯПМАН

Ёник-ёник орзу ичра
Ёниб-ёниб боряпман.
Оғриқ-оғриқ туйғу ичра
Қониб-қониб боряпман.

Бу хаётда энг одил сўз
Сенмидинг-а, муҳаббат?
Йўлларингга нигорон кўз –
Ёшга тўлиб боряпман.


Юрак урди ҳар ён ўзин,
Дардига топмай нажот.
Тинмади ҳеч ким сўзим,
Меҳрин кутиб боряпман.

Етар энди бу кўргулик!
Қолдим энди беқанот.
Дўстим, менинг дилим ўксик,
Ўксиб-ўксиб боряпман.

Шеърларим, дил эркаларим,
Сиз ҳам мендек нотавон.
Бу хаётдан этакларим
Силкиб-силкиб боряпман.

Сўнг унутдим бари-барин,
Сергак тортдим қай замон.
Кўрганларим оққа секин
Тўкиб-тўкиб боряпман.

Ёник-ёник орзу ичра
Ёниб-ёниб боряпман...



ЭЛЕГИЯ *

...Оҳангларга кўнглингни топшир...
Ва эслама ғамларни...

...дардни...

Энг гўзал ҳисларни қалбингга яшир,
Унут вафосиз “мрд”ни.

Жим-м...

Тингла куйларнинг саррин навосин,
Кўзингда ёш билан жилмай, эркалан...
Куйма, бир номарднинг эслаб жафосин,
Чиқар юрагингдан битта-битталаб –
Гарчи улар дилинг ётар нимталаб!..

Сен бир гадосанки, шоҳлардан устун,
Сен бир атиргулсан...

Ажаб? – Тиконсиз?..

Бу дунёда йўк бир Лайлига Мажнун,
Ва бахтли бўлиш йўқ изҳор, имконсиз...

Онт ич!

Яралгансан фақат ишқ учун!

Андухли хатолар бағридан беркин.


Оламдаги энг пок кўшиқ ҳаққи-чун

Нокасларга “Вафо бер!” дея ялин!

Ва унут майлига, беишқ қилмишин...

..Оҳангларга ... ғамгин... кўнглингни ... топшир...

*Мунгли лирик шеър



ХАНЖАР

Мана, юрагимга урилган ханжар,
Уни очганимча кулиб турибман.
Менинг ганимларим мисоли аждар,
Кўзларига баттар бахтли юрибман.

Ана, кўзларида чакнаб кетиб ўт,
Менга ташланишди бутун бир гала.
О, менинг меҳримга бормикан худуд,
Куляпман, кўзимдан ёғса-да жала.


Яна йўлларимга кўз тикишиб жим,
Қадам-қадамимни юришар ўлчаб.
Мен талаб қилолмам хурматим, ҳаққим,
Олиша-олиша қоламан чарчаб.

Тана жонсарақдир рухдан баттаррок,
Рўшнолик кутмасман асло улардан.
Қизил қон ўрнига оқаяпти оқ,
Аждар ганимларим урган ханжардан.

Она, мени бунча тукқансан оппоқ –
Оқариб кетяпман қора дардлардан!..

* * *

“Бечора” дейилган кимсага
Тош отманг ортик.
Ҳеч тош отманг!
Ҳей, мазлум устидан кулганлар,
Бекорга гуноҳга сиз ботманг..
Бу ёлғон дунёда
Унинг ҳам –
Умиди бисёрдир, орзуманд.



Сиз баланд тоғларда юрсангиз,
Унинг ҳам эҳтимол
Хаёли баланд.
Бе Чора дейилган кимсага
Тош отманг ортиқ,
Ҳеч тош отманг!

Мен нола қилгумдур Худога,
Муҳтарам этгин-а қулингни.
Бунча хор қилурсан сен нега,
Душманлар ичинда дўстингни!


Бе Чора дейилган кимсага
Сиз тошлар отманг ҳеч,
Тош отманг!

Бу ғалат дунёни топшириб,
Эрта биз кетсак ҳам куп-куруқ.
Ғариблар бўлармиш беайб,
У дунё кўшқида табаррук.

Шунда...
Сиз нолалар қилгайсиз –
Ҳей, мазлум устидан кулганлар.
Ожизлар ҳолига парвосиз –
Ҳашамга парволи бўлганлар –
Бойликнинг устида ўлганлар!

Биз...
Бу дунё ичида жамулжам,
Ўйлашиб кўрайлик инсофни,
Кўплашиб топайлик савобни...
Инсондек бўлайлик мукаррам –
Ўйнашиб юрмасдан бемаъни.
...Қанийди Чорасиз Одамнинг
Устидан кулмасак...

Кулмасак...



ФАРЗАНД НИДОСИ

Онамнинг охлари етсайди Оллоҳга,
Маҳзунваш нигоҳи бўлиб чароғон.
Дуолар этгайман улуғ паноҳга
Қолмаса эди-я дилимда армон –
Онамнинг охлари етсайди Оллоҳга...

Қаранг, қаранг, ўтда куймас жоним бор экан,
Бор экану Дунё унга тор экан,
Бу жонга биргина онам зор экан,
Валек мен парвосиз бу зор нигоҳга –
Эҳ! Онам охлари етсайди Оллоҳга!

Мен йиглаб кўтарсам дунё бир тошин,
Фарёдлар ургайман тебратиб бошим,
Онам-чи индамай ютиблар ёшин,
Бардошлар берса-я мен билмас оҳга,
Онамнинг охлари етсайди Оллоҳга...

Гуноҳим кў-ўп экан, билсам, гуноҳим,
Онамнинг дуоси асраркан жоним,
Эй, юзлари ойдин, беғубор моҳим,
Нахот сиз онасиз мендай гумроҳга,
Сизнинг оҳларингиз етсайди Оллоҳга!

Она, мен ҳам дардим йўлидан кетяпман,
Сиздайим йўқ экан, илло кўряпман,
Майли, майли, телба руҳим алдар, бияпман:
Мен дардим айтмайман бунда ҳеч соғга,
Сизнинг оҳларингиз етса Оллоҳга...

Воҳ, жоним оғригиб ёлвордим Илоҳга,
Онамнинг охлари етсин Оллоҳга!!!



ЎЛМОҒИМИЗ БОР

Қадимдан бошланган асли бу эртақ,
Фақат айри бунда аёл-ла эркақ,
Гоҳо инсон бўлиб, гоҳ бўлиб гўдақ –
Юрмоғимиз бор.

Дунё мисоли бу турфа камалақ,
Ким бахтдан карахту ким ғамдан сарақ,
Биз ҳам дилни гоҳо шод қилиб бирдек –
Кулмоғимиз бор.

Кимнидир устидан мазахлаб кулсақ,
Биз киммиз ўзимиз бир ўйлаб кўрсақ,
Сарғаяди ҳатто ёшгина куртақ –
Сўлмоғимиз бор.

Япроқларни узар еллар жонсарақ,
Дарахт баргин олиб қололмай ҳалақ,
Балким, бир кун келиб кимгадир керақ –
Бўлмоғимиз бор.

Боқий эмас бизга бу чархи фалақ,
Уриб-уриб охир тинар ҳам юрақ,
Одам фарзандига тақдир шу, демақ –
Ўлмоғимиз бор.

ТАЗАРУУ

Била туриб гуноҳ қилдим,
Номардларни паноҳ қилдим,
Билмай, ўзни гумроҳ қилдим,
Худойим,

Худойим,
Худойим!

Бекорга булбул ҳам “оҳ” қилмас,
Ҳар кимса ўзгани шер билмас,
Афсус, энди кечирилмас...

Гуноҳим,
гуноҳим,
гуноҳим...

Кимга дилдан озор чекдим,
Хатоларимга ёш тўқдим,
Тағин мен ўзингга бош эгдим...


Паноҳим,
паноҳим,
паноҳим.

Э-воҳ! Мен қандайин инсонман?!
Қай дилга санчганман тиғ, тикан?!
Бирор дилга етиб борармикан?!

Ҳар оҳим,
ҳар оҳим,
ҳар оҳим!

Энди тамом!
Ғам фойдасиз...
Бир ўзим гунгман, чорасиз,
Худодан бу менга адоғсиз –
Жазойим,

жазойим,
жазойим!



* * *


Югуриб кетяпман,
Олам қоронғу,
Ҳеч ким тушунмаган дунё зимистон.
Ғафлатда одамзод ётар беқайғу,
Югуриб кетяпман, юрак-бағрим қон.

Дарахтлар шовуллар.
Шовуллайди сой.
Дардимга шерикдай багрин очар ер.
Самодан ҳолимга ғамгин боқар ой,
Дилимда ғалати, қофиясиз шеър.

Оламини чулғаган шу бир сўз ҳаққи,
Одамзод, ётмагин зимистон ичра!
Юрагимга ботар шу сўз титроғи,
Сен уйгон, мадад бўл, фақат сал пича.

Азобли дунёда қадамларим суст,
Гоҳи ошгандирман мен ҳам сал ҳаддан,
Аччиқ ёшга тўла кўзларим маънос,
Югуриб кетяпман тор йўлакчадан.

Кун келар бу йўллар бўлар нурафшон.
Ҳали бахт ушалар манглайи порлоқ.
Бу дунёда фақат орзуманд инсон –
Ғафлатга йўликмай, яшагай уйғоқ!
Югуриб кетяпман...



*Эрта уйғотади қизларни ёмғир...
А.С.Пушкин.*

Бу ёмғир меники томчилари-ла,
Кўнглимда ўйнаган ҳисларим ҳаққи.
Ўзи гўзалликка асир бўларкан –
Бутун шоир халқи.

Мен шоир эмасман, валекин рост гап,
Ҳамма ёзаётган шеърларим ёлғон.
Шунчаки кўнглимни гоҳида тергаб,
Қиляяпман толқон.

Ҳакними, ёлғонни ажратмоқ бўлиб,
Баъзида ялпизга тушмайди кўзинг.
Ва шундай ёмғирлар ёққанда –
Тўлиб,
Йиғлайсан ўзинг.

Осмонга боққанча юриб кетаверсанг...
Кетаверсанг... Тўхтаб қолмасанг факат.
Юзингни ёмғирга тутиб ўтаверсанг –
Абадулабад.

AP3

Ёш тўкиб кўзимдан, кўзимдан,
Тошларга қоқилдим, тошларга.
Неки айб ўтса бу – ўзимдан,
Бокмадим эгилмас бошларга.

Куёш, сен нурлироқ чаракла,
Ўхшама осмоннинг макрига.
Кулмагин учраган ҳар зокқа,
Тушунмас юракнинг дардига.

Булутлар, сизлардан кўнглим тўқ,
Озми-кўп найрангни биласиз.
Ногаҳон отсалар сизга ўқ,
Дод солиб, бағрингиз тиласиз.

Тоғдаги кийиклар бечора,
Дунёда шунчалар сайёд кўп.
Сизнинг-ку дардга ҳеч йўқ чора,
Куйинманг дод билмас бедод кўп.

Энди не учун бу юрмагим,
Шеър, сен ҳам кўрларга таландинг.
Мен сени нимага тиладим?!
Бунчалар ғамларга буландинг!

Эҳ! Менинг юрагим, юрагим,
Зор қилиб, зўрларга ялиндинг!

ЮРТ ХОКИ

Бир мусофир кезар юртидан йироқ,
Дер: “Ўзга юртларда қолмасин ҳоким”.
Бу умр йўллари шундайкан, ўртоқ,
Кимлар унга қулу ким эса ҳоким.

Кезар саҳроларда дайди тиланчи,
Атрофга боқар зум, ташлар суст одим.
Эртаклари кўпдир азал, ёлғончи,
Унга кимлар қулу ким эса ҳоким.

Йиллар ҳам ўтади шошқин, беозор,
Азалий қисмат бу, савдойи қадим.
Ногоҳ оғритади дилинг дилозор.
Кимлар унга қулу ким эса ҳоким.

Умр ўтиб кетар, қолар яхши от,
Дунё ишларига лолдир идроқим.
Бу сўқир йўлларда билдимки, ҳайҳот,
Кимлар дунёга қул, кимлардир ҳоким.

Бургут ҳам фалакка этади парвоз,
Ҳоксор гул шохида яйрайди булбул.
Устун бўламан деб ўйлама, Шаҳноз,
Сен фақат бўлгин бир Оллоҳга чин қул.

Билгинки, муқаддас юрт ҳоки пойи,
Битта эдамзоднинг сиғинар жойи.

* * *

Бу дунёни оппоқ кўра олсайдим...
Кўзларим оқликдан кетса қамашиб
Юракдан оқлигин туя олсайдим...
...Сўнг қалбимда ҳислар кетса қалашиб.

Қанийди денгизлар мовий эмас, оқ,
Осмон ҳам оқликдан турса ҳоли танг.
Ахир бу дунёда бормикан, ўртоқ,
Оқдан ҳам чиройли, гўзалроқ бир ранг?!

Билмадим, тўғриси, топа олмадим,
Кўҳна замин узра бошқачароқ тус.
Дўстим, мен дунёга қараб қонмадим,
Оппоқ рангларига топмадим қиёс...

Гарчи дунё ҳамон ўшандай рангсиз.
Коинот теграси узра санқийди.
Менинг юрагимда оғриқли бир ҳис,
Дунёни оқ рангда кўрсам қанийди...

Бу ҳаёт аслида бизники эмас,
Гуноҳу савобга сабабкор ҳам биз.
Ай, санинг юзингни бузган қай нокас?
...Оқни булғаганлар бизнинг ўзимиз!

Кўнглимни туйғулар кетар талашиб,
Кошқийди, бир маъни туя олсайдим.
Кўзларим кетсайди нурдан қамашиб,
...Бу дунёни оппоқ кўра олсайдим!..

* * *

Қарғамангиз мени,
Мен кетаяпман,
Таъна тошларини отманг орқамдан.
Ахир сиз ҳам мундоқ таън олсангиз-чи,
Мен айру тушдимми бир нафас ғамдан?!


Дўст тутмайсиз мени,
Интилаяпман –
Сизга дўст бўлишга
(Бокмасангиз ҳам).
Икки кўзингизга термулиб туриб,
Тағин ноумидман, тағин бошим ҳам.

Айбламангиз мени,
Мен етаяпман –
Энди Сизнинг дунёингиз тубига.
Билмадим, Сиз ҳақми ёки менман ҳақ,
Ҳар не бўлса ҳам ёрмиз дарднинг кўпига.

Асрамангиз мени,
Мен титаяпман –
Дилимдаги бор ҳис, бори туйғуни.
Шунчаки ўзимга ғам топганим йўқ,
Шунчаки тўкмаяпман дилда қайғумни.

Тушунмайсиз мени,
Мен битаяпман –
Кўнглимга келган ҳар сўзни яширмай.
Дунё берилган-ку иккимизга тенг,
Дўстим, нега яшашимиз керак ғанимдай?!

...Сиз қарғаманг мени.
Мен кетаяпман...
Таъна тошларини отманг орқамдан...



АДАШГАН ОХУ ФАРЁДИ

Минг биринчи марта адашган оху,
Минг биринчи марта этиблар фарёд.
Талашавераркан бу бозор ичра,
Бўлгуси келмасдан ҳеч сира барбод.
Тагин талашаркан...

Сўнг унинг кўнглига тасанно айтиб,
Тоғлар юмаларкан пойи остига.
Охунинг оҳига токатлар этмай,
Офаринлар ўкиб ўтли қасдига –
Тоғлар юмаларкан...

Гўзал бу кўзларда неча орзу, ғам,
Ташвишлар кўйнида жонсарак бу тан.
Наҳот азобларнинг кўйнида асир,
Ситамлар чекишга маҳкум этилган –
Бу жонсарак тан!..

У-чи адашмайди, ўзича ахдли,
Ҳар бир ўйлагани бўлиб ижобат.
Ҳар бир кўзлагани бўлиб оқибат –
Фақат хаёлида бўлади бахтли...
Фақат хаёлида!

Лек унинг кўнглига тасанно айтиб,
Дунё наъра тортар келиб қошига.
Буту-у-ун коинотдан воз кечиб фақат –
Охунинг Юрагин қўяр бошига.
Буту-у-ун Дунё наъра тортар қошида!

Минг биринчи марта алданган оху –
Тагин талашаркан бу бозор ичра!..

БЕМОР ДАРДИ

Мен кузда жанубга учиб кетишган
Тўпидан ажралиб қолган турнаман.
Турна катор-катор...

Оҳларим билмайди. Билмасу ҳеч ким —
Тағин ўшаларга эрмак, майнаман.
Майна озор-озор...

Нега мени тушунмайди бунда одамлар,
Наҳот мен яшашда шунча турфаман?!
“Турфа” бекор-бекор...

Гоҳида... Гоҳида гулдай эзилиб,
Чақир тиканлардан безор, хафаман.
Хафа абгор-абгор...

Ишқим шайтон каби гуноҳга ботди,
Лек мен ҳам ўзимда ўзга Каъбаман.
Каъба бозор-бозор...

Эҳтирос мени қул этди баногоҳ,
Энди ҳақдан кўркиб тавба-тавбаман.
Тавба душвор-душвор...

“Юракдан” сўзлади тилда бошқалар,
Дилда мен шунчаки гўё “ганда”ман.
Танда бедор-бедор...

Лек...мен кимдан қилай аразу гина.
Ахир Худо суймас ношуд бандаман.
Банда бемор-бемор...

* * *

Мени севинг, мени унутинг,
Мени алданг, мен тугаб бўлдим.
Аллақачонлар бўлиб гаранг –
Бегоналар ичида қолдим.

Ёлғизликда куйган лоламан,
Бағрим қону либосим ҳарир.
Мен шунчаки бир қиз боламан,
Қўнглим шамдай жим эриб борар.

Мен куламан, бахтли одамман,
Жилмаяман...

... Кўзларимда ёш.

Мен осмонча аҳдли одамман,
Қанотларим сабр ва бардош.

Ишонайлик, кел, кўнгил бирга –
Ойлар тўлар тунни кутайлик.
Ёмғир ёққан кунлари қирга –
Лолаларни кучгани чиқайлик.


УШАЛМАС ОРЗУЛАР МАМЛАКАТИДА

Ая!
Гўё кампир бўлдим –
Ёнингга келдим.
Узо-о-оқ умр кўрдим –
Уқубат чекдим.
Кўрган - куйганимни қоғозга тўкдим.
Ая, ҳаёт – хаёл –
– Мен кампир бўлдим!

Йиқилиб, йиглагим келади –
Пойимда атиргул.
У йиғлар, мен эмас –
Бағрим тўла кул.
Ая, мен молпараст, ишқпараст,
Шухратпараст бир булбул.
Ая, ҳаёт – малол:
– Мен кампир бўлдим!

Жудолик азоби қийнайди энди,
Ёнаман, ёнаман, ҳажри ёр.
Кўнгилга илтижо қиламан:
У ўжар, у ёмон касди бор,
Ая, ҳаёт – савол,
– Мен кампир бўлдим!

Тўхтаб, чора излай...
Чора қайдандур?
Юрагим... кинидан чиқади.
Худога, Худога илтижо!
Ўзга “суянганинг” сомон тикади.
Ҳақниям лол килиб яшаймиз,
Ая, ҳаёт увол...
– Мен кампир бўлдим!!!



ОҚ ҚУШ

Мен оққуш эмасман,
Шунчаки... одам.
Дунё асли бир кам,
Лек менда минг кам.

Бойларга боқибман
Бекор, беҳуда.
Бугун қолдим бўлиб –
бир аламдийда.

Раҳм борми сизда
Эй, турган одам?
Ерда мағрур ҳолда
Зўр юрган одам?

Юрагим кўзимга
Қўшилиб йиғлар.
Боғланган дардларим
Бўшалиб йиғлар.

Ўзи фақир мудом
АЗОБдан сархуш.
Бу дунёда фақат
Султонлар ОҚ ҚУШ!

ШОИРОНА

Далалар бағрида уйғонди армон,
Ариклар четида ўсди битта дард.
Бормади далага лек бирор инсон,
Кўрмади ариклар четини бир мард.

Уришиб – талашиб шамоллар билан
Замонга ошиқиб келди туйғулар.
Чўқкилар бўйнига осилолмасдан
Мунгайи-иб йиғлади ширин орзулар.

Гуллар юлдузларга бокди-ю ердан –
Ўкинч-ла бошларин қилиб олди хам.
Тўкилолмай турган осмоннинг бирдан
Кўз-ёшлари бориб, ойни қилди нам.

Лек шу дам Худонинг ғазаби келди,
Баралла янгради тавба-хитоблар.
Титроқ қўллар билан титкиланиб кетди –
Токчаларда ётган шўрлик китоблар.

* * *

Кўпинча йиғлагинг келади:
Дўстларинг соғинган кечада –
Ўувиллаб ўтирсанг бир ўзинг
Совқотган ўйларинг ичида.
Йиғлагинг келади...

...Бир қадам қўйсангу... қокилсанг,
Йиқилсанг... Чидасанг шунга ҳам.
Аммо ҳеч билмайсан бунчалар
Мураккаб яралган-а одам?!

Мен-чи ҳув қачонлар отганман –
Шайтоним у дунё қаърига.
Сен ҳам ҳеч ғам ема, иродам,
Бардошим етади барига!

Балки, мен кўнолмам тақдирга,
Жонимни азобга тўшарман.
Адашиб келган бир бахтим ҳам
Гўё мен йўқотган ўхшарман.

Шунда... жон оғритиб... бақириб...
Хумордан чиққунча йиғларман?..

Йўқ! Фақат йиғлагим келади –
Дўстларим соғинган кечада,
Онам зор ўтирган кўчада –
Олисда тентисам бир ўзим –
Музлаган ўйларим ичида.

Ўшанда йиғлагим келади,
– Бақириб-иб йиғлагим келади!..

ТААССУФ

Бизнинг бошда шундай ажаб
Савдо экан, савдо экан.
Ажаб экан-ки, ё Раб,
Туганмас бир ғавго экан.

Ишқ эртагин бошдан айтсам -
Пирим Одам Ато экан.
Қайга борсам, қайдан қайтсам,
Руҳим етти само экан.

Биз билмабмиз. Узримиз кўп...
Дил изҳори хато экан.
Бу даҳрда ягона хўб –
Худо экан, Худо экан!

Қайдин нажот келар энди -
Бу адоқсиз жазо экан.
Ишқнинг Шаҳноздир ғариби,
Ёрлар казо-казо экан!

Бизнинг бошда шундай ажаб
Савдо экан, савдо экан...

ОНАМГА МАКТУБ

Тинч ўтмоқда кунларим, мана,
Тошкент – орзу-ўйлар маскани...
Фақат, кўнгил ёмондир, она,
Билолмайман: Не истагани?!
Фақат кўнгил ёмондир, Она!!!

Сўз изладим кўксимда оҳлар.
Тунлар кунга видолар айтиб.
Тезроқ ўтиб кетсайди ойлар,
Кетсам эди ёнингга қайтиб.
Тезроқ ўтиб кетсайди ойлар...

Бир йил бўлди шеър ҳам ёзмадим,
Унут бўлди мендаги ҳижрон.
У дард қани? Қайда омадим?
Ўзим қайга кетарман нолон.
Дардим қани? Қани омадим?

Фақат... Бир кун... Биларман, бир кун,
Кундуз порлоқ, кечалар порлоқ,
Бахтим келар ахтариб мен-чун,
Эрталарни кутарман муштоқ.
Бахтим келар ахтариб бир кун!

Тошкент – орзу-ўйлар маскани,
Фақат...Кўнгил ёмондир, Она!

НОУМИДЛИК

Ҳокисорлик кўйнида мудраб,
Уйқусираб қийналар умид.
Ўзин у ёқ – бу ёққа судраб,
Йиғламоқдан бўлади булут.

Кўк кўксимда умидга жой йўқ...

Кимдир деди: – Ғўрасан, болам,
Ноумидлик шайтонларга хос.
Ахир нима қилайки мен ҳам,
Бу азобдан бўлмасам халос?!

Бир найзаман, отгани ёй йўқ...

Ҳижрон тиғи тиғлар дилимни,
Фаришталар кулар устимдан.
Зулмат кўмди ногоҳ йўлимни,
Ҳур қиз бўлиб қолсайдим бирдан.

Оҳим олиб кетарлик сой йўқ...

Келар, келар балким оппоқ кун,
Етажакман нурли манзилга.
Нетайки, бу аҳволим забун,
Ва кулганлар кўп бу кўнгилга.

Кўнғлим учун айтилган “вой!” йўқ...

ТАФАККУР

Бир кадам қолди —
Ҳамма ўйларим —
Чир-чир айланаркан тор кулбам ичра —
Мен осмонга пари,
Ерда оккушман...
Бир кадам қолди,
Яна бир марта...


Кўзимни боғладим
Маст тунлар ила,
Кўнглим оғирлашди.
Дардим бор ёмон.
Ахир мен “оҳ” десам яна бир қарра —
Ҳаёт билан хайр-хўшлашим осон.

Гуноҳим ювилди.
Гуноҳим — сўзим.
Қароғим остига қамадим нурни.
Бор рости ёлғонга телбақор ўзим —
Пичирлаб айтдим бор дуони ғамгин.

Қайда мен бунчалар беқарор бўлдим?
Тунлар, о, дардисар! Оромим олди.
Ҳей, менинг дўстларим, бу дарддан тўйдим,
Бир нафас оларлик
Шодлигим қолди.

...Умид учқунланар...
Умидвор кўнгил.
Тагин бошлар, осмон бўлар бўйларим.
Юракнинг, юракнинг-чи би-ир бурчида
Уваланиб борар содда ўйларим...

Бир кадам қолди...
...Яна бир марта.



ГУРУР

Сени жуда-жуда кўргим келарди...
Билмасман аммо берк, қайси гўшада.

Сени жуда-жуда кўргим келарди...
Юзим сиртдан сокин ва тинч бўлса-да –
Ёлгон илтифоту имконларимни
Сен деб йўлларимга ташлаблар келдим.
Оҳ, билмайсан: Оғрик тиконларимни –
Мажруҳ юрагимда тишлаблар келдим.

Айт-чи?
Айт-чи, сенинг кўнгилчангда ҳам
Борми шундай қасдкор, ўтли эҳтирос.
Йўқ! Мен сендан асло кутмасман малҳам,
Сўрамасман ва ҳеч зарра илтимос.

Сўрамасман сендан.
Сўролмасман ҳам –
Сенинг бори мулкинг бутун подшоҳлик.
Менинг...
Менинг молу давлатим-чи ғам,
Инқирози эса бир нафас оҳлик.

Ўйласам, Сендан менга нима ҳам қолди?
...Доғли-доғли тунлар, бир тутам армон!
Билсанг, бахт қушимни бошқалар олди,
Ва менга шоҳ каби бердилар фармон.

Ноилож, сен менга дард кўлин бердинг,
Сузишни билмайман лек бу кўлингда.
Мени алдаб ахир нима қилардинг –
Етгала Осмон ҳам Сенинг кўлингда!

* * *

Унутиб яшайман ғуссаларни мен,
Орзулар кўлида чўкаман.
Дунёнинг шундайин тор бағридан жим
Жилмайиб... тургандай бўламан.

Куламан.
Бағримда гуллар қони бор.
Қизғалдоқ доғлари...
...Куламан.
Дардимни айтгани сарсону бедор
Бир банда тополмай юраман.

Ихтиёр ўзимда, ишонч ўзимда,
Кўнглимда оқ қаср кураман.
Бу ҳайбат, ховликма, бу чўнг ўзанда
Ғалати бир ҳаёт сураман.

Ҳеч ким тушунмайди, ҳеч ким билмайди,
Ҳар куни тонгларни ўпаман.
Дўстлар, мен дунёга адашган дайди,
Ҳасратим қоғозга тўкаман.

Балким, балким дунё менга ҳали бағри кенг,
Куламан, ғамларга тўламан.
Унутиб яшайман ғуссаларни мен,
Унутиб...

Унутиб...

Ўламан!

ГУНОҲ

Уни лабга олиб бордилар,
Гул барг ёзиб баттар галтайди.
Бунинг-чи устидан кулдилар –
Тиконнинг гуноҳи нимаиди?

Ҳавас-ла боқдилар бахтлига,
Бахтли ҳам бахт билан жилмайди.
Бу эса йиғлади қалбига –
Нолоннинг гуноҳи нимаиди?

Орзулар сочини тарашди,
Армон-чи баттарроқ мунғайди.
Юзига безиллаб қарашди:
Армоннинг гуноҳи нимаиди?

Ниятла карвонга чиқишди,
Соф ният бўлса ҳам қанийди.
Кўролмай, йўлини қирқишди,
Сарбоннинг гуноҳи нимаиди?

Худо билар...
Билмам, қайларда
Бир одам Мажнундай дайдийди.
У ҳақда “гап” кетар бу жойларда –
– Сарсоннинг гуноҳи нимаиди?

* * *

Аламлардан хайданг Сиз мени,
Бор, кет! – дея жеркиб ташланг
ва
Ҳок-пойимга тўшанг осмонни,
Юзим босай юлдузларига.

Мен осмонга етолмаган бир –
Ўгай қўлда ўсган етимдай.
Зорман кўкка –
Боксангиз бир-бир
Юлдузлари тушар бетимдан.


Сиз-чи?
Менинг ишонганимсиз!
Кўринади қўлингиз узу-ун...
Жон оғажон! Шу қўлларингиз
Олиб берсин осмонни бутун!

Йиғи инар бўғизларимга,
Кўз-ёшларим шундай ярамас.
Менинг ерда босган изимга
Бирор кимса куйиб қарамас!

Доим шу ҳол.
Доимо бир хил.
Ер ва осмон урушдай худди.
Мен учратган зоғ борки бедил,
...Юракларим эзили-иб кетди...

Шундан кўкни кучмоқ истайман,
Бориб, бағрим очмоқ истайман.
Менинг кўнглим тушунмаган бир –
Ерлигидан қочмоқ истайман!

Оға, олинг кўкни мен учун,
Ахир сизнинг қўлингиз узу-у-ун!..



НОДОНЛИГИМ

Хотиралар карвонида адашиб юрибман,
Хақними ёлғонни талашиб юрибман,
Рост, “қўри” борларга бўлишиб юрибман –
Нодонлигимдан.

Ҳижронни билмасдан ишқ, деб куйладим,
Ўғрини билмасдан хақ, деб ўйладим,
Кимгадир ғийбатдан, шеърдан сўйладим –
Бийронлигимдан.

Ҳар ким ўзин деркан энг ҳалол одам,
Мен ўзимча қўйдим бошқача қадам,
Гоҳи пайтларда катта кетдим ҳам –
“Инсон”лигимдан.

Тушуниш...
Ҳеч кимни тушуниб бўлмас,
Нокаслар ичра сен ҳам битта нокас,
Мен энди яшашни истайман бесас –
Ҳайронлигимдан.

Мен қандай гуноҳ тўла кунда туғилдим,
Каъбатуллоҳдан азиз дилларни тилдим,
Худомас, ХудоЛАР дея сиғиндим –
– Шайтонлигимдан.

* * *

Осмондан тушганман.
Ерда ишим кўп.
Осмонимга олиб чиқар оҳим кўп.
Юлдуз санаб, тагин кўкка термуламан,
Шарманда бўлиб қолмай, гуноҳим кўп.

Бу дунёни англагувчи бир жони йўқ,
Осмонларга учиб кетсам, армоним йўқ!

Тангри менга зерикарли ҳунар берди,
Бу хунардан фақат жафо унар бўлди.
Қайси тошга бош уришни билмайман –
Мен сиғмаган осмонга минг юлдуз тўлди.


Ахир менинг ерда бирор посбоним йўқ,
Осмонларга учиб кетсам, армоним йўқ!

Дўстим куйди, сен тўккан кўз-ёшлар қанча,
Ғаним кулди, бизни енгмас анча-мунча,
Мен фақат шеъримни қанда қилмайман,
Эҳ-ҳе! Ҳали қоқилажак тошлар қанча!

Афсус, менинг бунда бир хонумоним йўқ,
Осмонларга учиб кетсам, армоним йўқ!

Оллоҳим! Ненидир муштоқ кутяпман,
Ол оҳим, дунёларга сигмай кетяпман!
Тагин бориб шу бир шеърга жойланаман,
Ич-ичимдан, тўлиб-тўлиб битяпман...

Нетайки, шеърдан яхшироқ бир фиғоним йўқ,
Осмонларга учиб кетсам, армоним йўқ.



Мен факат ерда юрган қанотсиз кушман,
Сигмаганим – ху-ув осмондан тушганман!

ЙИҒЛАЙВЕРАР

Менинг маъюс кўнглим,
Менинг мунг кўнглим,
Гоҳо бўронлардек совуқ, тўнг кўнглим,
Айтилмай қолган бир дарддай гунг кўнглим –
Йиғлайверар.

Билмадим, қандай бу
Мен тушган йўлим,
Орзулар саробдир етмасдан қўлим,
Менинг ғўрлигимдан сиқилиб умрим –
Йиғлайверар.

Ҳаётда топганим
зўрлигу зулм,
Менинг туғилганим – энг бахтсиз куним,
Ҳатто ҳафсаласи пир бўлиб ўлим –
Йиғлайверар.

Ол! Ол, Эй мағрур ҳаёт!
Мендаги борим,
Менда бир қон тўккан бир парча ерим,
Менга сен эмас-ку, ўзимнинг элим –
Йиғлайверар.

Қоғозга тўкилиб-тўкилиб шеърим –
Йиғлайверар...

*Ўзбекистон халқ шоири марҳум
Муҳаммад Юсуф хотирасига*

Сиз олисда, мен чорасиз,
Ёлғизман-а, ёлғизман.
Орзуси ойдан олис
Тентираган бир қизман.

Рухингиз кайга кетди,
Менга хамроҳми, айтинг?!
Ёдингиз кўксим чок этди —
Бу хижронда бахтсизман.


Қовурилар дардим маним,
Бу азобдан битсам керак.
Сизсиз менга қўркинч ғаним,
Сизсиз энди ожизман!..

Фақирлигим курсин, курсин,
Бу андуҳдан энди не наф?
Қисмат, майли, ханда урсин,
Нетай! Шундай беҳисман.

Сиз кетдингиз...йиғладим жим...
Узоқ-узоқ тўқдим кўз-ёш.
Бу озорда ёндим ўзим,
Бу озорда беизман.

Энди ҳар он менга оғриқ,
Ҳатто дардим юволмас шеър.
Нетайки мен бир хор ошиқ,
Шоирликдан олисман!

Сиз кетдингиз... Мен чорасиз,
Ёлғизман-а, ёлғизман...



ЁРУҒ КУНЛАР ХУМОРИ

Бўлди, юрагимни ғашлама, она,
Етар, ортик дилим тилмагин, синглим.
Елкамга дунё гам ташлама, ота,
Менинг суянганим фақат бир кўнглим.

Менинг бу ерларда қолмоғим душвор,
Олис-олисларга кетмоқларим бор.

Қишлоқ кўчалари дўппидай ихчам,
Тупроқ кўчаларда ўсди бўй-бастим.
Умримдан фол очиб ёш тўкма, онам,
Менинг бу дунёдан кўп ҳали қасдим.


Менинг бу ерларда қолмоғим душвор,
Олис-олисларга кетмоқларим бор.

Кўнглим оғринади, оғир олади,
Дунёйи қадимнинг ишларига жим.
Дилимга минг битта дардни солади,
Яна минг давосин топар минг ҳаким.

Менинг бу ерларда қолмоғим душвор,
Олис-олисларга кетмоқларим бор.

Етар, оддийликдан тўйдим, рости гап,
Етар, менга ортик бу умри ярим.
Менинг орзум эмас шоҳона мансаб,
Дилдаги дардимни билса бас элим.

Менинг бу ерларда қолмоғим душвор,
Олис-олисларга кетмоқларим бор.



Ишон, олисларга кетмоқ иштайман,
Дунёнинг борини кўрсайди кўзим.
Ойдай орзуларга етмоқ иштайман,
Баланд-баланд дорга осилиб ўзим.

Менинг бу ерларда қолмоғим душвор,
Албат, олисларга кетмоқларим бор.


* * *

Туни билан ёмғир ёғарди,
Митти япроқларни эркалаб.
Унга боқиб кулгим келарди –
Ва йиғлагим...гўё ўпкалаб.

Туни билан ёмғир ёғарди,
Новдаларни саваб аёвсиз.
Менинг эса...дилим оғрирди,
Дилим – маҳзун ва қаровсиз.

Туни билан ёмғир ёғарди,
Дарпардани қучоқлагандай.
Юрагимдан қон оқарди,
Инграр эди пичоқлангандай.

Туни билан ёмғир ёғарди,
Гўё тўхтатмас таъқибини.
Шу тун кўнгил соғинарди,
Олисдаги... «шум рақиб»ни.



ХУДОГА ТОПШИРДИМ ҶЗИМИ

Бир пайтлар эдим шундайин бир киз –
Ҳамма хато дерди айтган сўзимни.
Ҳазонлар ичида қолдим у ожиз,
Худога топширдим ўзимни.

Мажолсиз бир руҳда уфққа боқдим,
Кўрдим, ноумид бир сўлгин юзимни.
Эркимдан кечдим у юрагимда жим –
Худога топширдим ўзимни.

Йўл охири қандай эди, билмадим,
Ҳаммадан яширдим ёшли кўзимни.
Осмонга ёлвориб, ёниб йиғладим –
Худога топширдим ўзимни.

Сабр ҳам керакдир, балким ортиқроқ,
Кутдим қаҳратонда гулгун ёзимни.
Бўғзимда бир мунгу бир эса титроқ,
Худога топширдим ўзимни.

Йўк - йўк, сиз ҳам еманг асло, ёвларим,
Ўйламанг, сиз мени шунча паст одам.
Мен сизни кечирдим, кечирдим,
Худога топширдим сизни ҳам.

КУЗГИ ҚЎШИҚ

Кузги дарахтларга рахмим келади...
Бечорахол. афтодахол.
Жимгина туришиб нафас олади –
Бехол-бехол.

Қизганчик қуёшга термулиб
Мен дийда, аламзада.
Озгина турса-чи балкиб –
Дарахтлар таҳликада!..

Дейману юрагим потирлар
Ураркан дукур-дукур.
Демак, дунёда бир, мукаррар –
Дарахтлар мағрур.

Тўқаркан баргларин сахийлик билан
Аммо кўзларида дард, кайгу.
О, бунга юраги ка-а-атта экан!
Барглар унга кадрдонлар-ку?

Табиат макоми, табиат амри-
Вожибдир, мустажоб!
Куз телба, дил яра, шамоллар дайди–
Дарахтлар... Олижаноб!

Дарахтлар – Олижаноб!!!

АЛАМ

Шоирлар - қафасда нола қилган қуш,
Интилиб яшайди озодлик томон.
Талпиниб, юлқиниб турганда туйқус —
... Унга тош отганлари ёмон.

Қисматдир балки бу, пешона балки,
Бечора йиғлайди бир умр нолон.
Бегуноҳ жонини билсалар ҳамки,
Бейб номини сотганлари ёмон.

Малҳам бўлармикин бирор жон дея,
Атрофга умидвор бўйласа гирён.
Уларга боқишиб маломат ила
Энсаси қотганлари ёмон...

Ҳақми-ей, Худоми, бир кун ниҳоят,
“Ол, сен ҳам, бандам”, деб қилса бир эҳсон.
Бир тўда бўлишиб қилолмай тоқат,
Орага чўмич-ла ботганлари ёмон...

Шоир У!

Барибир юраги тирик,
Барибир сўйлагай ростини равон.
Улар-чи оқибат бейб, беҳадик,
Гўрда ҳам тинчгина ётганлари ёмон!

Шоирлар — қафасда нола қилган қуш,
Бир умр интилар Ёруғлик томон!

ИШОНЧ

Барибир қайтасиз.

Бир кун қайтасиз.

“ Меҳрингга тўймадим”, дея айтасиз.

Мен...

Йиғлаб куламан, кулиб йиғлайман –

Кўксингизга бошим қўяман бахтсиз.

Сиз хайрон бўласиз.

– Тамом бўласиз!

Сўнг сиз ҳам кўзда ёш билан куласиз.

Кўнғлимда қандай дард ўзим билмайман,

Билмайману тагин йиғлайман ожиз.

Ишонасиз Сиз ҳам

Кейин барига.

Отасиз гумонни йўқлик қаърига.

Энди мен ҳам ортиқ шубҳа қилмайман,

Қилмайман ҳеч қачон энди рашк, гина.

Унутмайсиз мени,

Унутмагансиз.

Кетишдан олдин ҳам азоб чеккансиз.

...Нетай!

Жуда-жуда ишонгим келар –


Сиз фақат бир мени деб яралгансиз!

...Келиб, пойимга чўк тушиб, йиғлайсиз...

Бир кун...

Ишонаман:

– Бир кун қайтасиз!..



ҲАДИК

Ка-а-атта шаҳар.
Дил хўрсинар...
Қалбдан орзу кетмайди.
Йўл бир узу-у-ун туюлар –
Қўлим ҳечам етмайди.


Дод дейману...
Айтолмайман.
Кўзим ёшдан кўр бўлар.
Аммо ортга қайтолмайман,
Қайтсам энди, айб бўлар...

Зўр орзулар дилим қамраб,
Орзикишдан юрак ёнгай.
Не қилсам-да мен тентираб,
Пешонада бори бўлгай,
Пешонада бори бўлгай!

Лекин мен ҳеч билолмадим,
Нега тақдир ўзбошимча.
Бу шаҳарга нега келдим,
Яшай билмадим ўзимча.

Мен дардисар, мен бечора,
Бироқ баланд дорда кўнгил.
Ажаб бозорда овора,
Орзуларга асира қул.

Кўнглим сезар, ҳа, албатта,
Ба-а-арча орзуйим ушалар,
Аммо шаҳар жуда ка-а-атта,
Дил хўрсинар...
Дил хўрсинар...



ЕР НОЛАСИ

– Қизик осмон ҳам йиғлармикин, а?
– Осмоннинг кўз ёшлари ёмғир-да, болам.
– Унда ер-чи? Ер ҳам йиғлайдими?

Кўкда куёш кулар, ерда йиғлайди тупрок,
Дейди: Менинг ой - куёшдан дардларим кўпрок.

Осмон нима? Юлдузларнинг сирли гўшаси,
Ер-чи? Ожиз одамларнинг хароб кулбаси.

Хар ким Осмон бўлай. дейди, ер-ла иши йўқ,
Ва менинг ҳам қадрим билган бир ҳақ киши йўқ.

Ўйлайману ўйларимга етолмайман ҳеч,
Қачон менинг бу бағрим ҳам бўлар экан тинч?

Юрибману кучоғимда олиб ҳар жонни,
Тополмадим куллуқ қилган битта инсонни.

Ерда шунча кўпайдими хусумат, иғво,
Санчишарлар бир-бирига тухмат ё, тиг ё.

Адоватсиз яшашолмас бир кун ҳам ҳатто,
Шунда ҳам ўзларича қилмаган хато.

Гоҳ улардан олай десам мен ҳам қасд-қасос,
Яримта- юримта кемтик жоним бор, холос!

Ўз холига ташлаб қўйсам тагин уларни,
Қақшатишар кўркмай ногоҳ бахтга тўларни.

Шунда ҳам жим тураверсам, инсофданми шу?!
Нетай! Мени ҳам жуда эзди бу кайғу!

Валек бу ҳам таъсир қилмас дилбандларимга,
Ҳақиқатан, Ҳобил-Қобил фарзандларимга!

...Мен Онаман, не бўлса ҳам меҳрим осмондир,
Билки, ерда қийин, Яшаш – кўкда осондир.

ОРЗУЛАРИМ ҚАСРИ


Орзулар қасрига етмоқ истайман,
Она, оёғимдан кетмасдан мадор.
Бу чақир даштлардан кетмоқ истайман,
Дилим гулзоридан кетмасдан баҳор.
Орзулар қасрига етмоқ истайман!

Энг сўнгги номам бу, энг сўнгги илинж,
Она, тунларимнинг ҳаловати йўқ.
О, бунча юрагим ёлворар нотинч,
Бечоранинг ҳатто маломати йўқ!
Орзулар қасрига етмоқ истайман!

Тангри Таолодан топганимми бу,
Ё йиғлаб йўқотдим билмай боримни.
Бунча узун бўлди сўнгсиз бу кайгу,
Кимга, кимга айтсам дарду зоримни,
Орзулар қасрига етмоқ истайман!

Йўқ, мен тамом бўлдим, мен энди йўқман,
Осмону фалакка топингай руҳим.
Бундан у дунёга отилган ўқман,
Энди самолардан тўкилгай руҳим!

Мен... орзум қасрига... етмоқ ... истайма-ан!
Бу ҳароб жойлардан кетмоқ истайман!!!



* * *

Чиройли бир туш кўргин...
Энг чиройлисини.
Тушларингда бир пари сочинг силасин.
Аmmo... уйғонмагин
Ахир бу энг ширин туш!
Энг ширини...
Асло уйғонмагин...

Тунлар бирам гўзал,
бирам фусункор,
Телба кўзларингдан хатлар ўқийман.
Кипригинг учига кўнган нафасим,
Табиат сеҳрига таҳсин тўқийман.

Мен сени севмоқчи бўламан,
Негадир кўркаман.
Либосларинг атридан гангийман асли,
Уйғонишингни кутаман.
Жуда орзу-у қиламан :
...сени севмоқчи бўламан.

Аmmo... сен барибир
Тунлари чиройли тушлар кўр.
Телба кўзларингни юмиб ол маҳкам,
Жунун кўзларингни юмгин-да маҳкам,
Асло уйғонмагин-
Киприкларинг учига кўнганда олам...
Асло уйғонмагин-
Сенинг киприкларингда ухлайди олам.
Ширин тушлар кўргин!

ТОШКЕНТ


Уни соғинаман.
... Тошкент...
Сирли ёғдулар шаҳри -
Ҳамда бевафо, кибрли,
Мени негадир суймас,
Негадир бағрига
Босгиси келмас...
...Ўкинаман...
Бирам соғинаман...

Бунда тўлик орзулар ичида
ҳорғин яшарман!
юлғин яшарман!
Негадир руҳим ўзимда эмас-
Танамда жим яшарман...
Хўрсинаман...
Бирам соғинаман...

...Ўша – довдир ёшлиғим қолган,
Бор орзу-оловлигим қолган,
Анҳор бўйларида хаёлга толган –
Телба ёшлигимни соғинаман...
Оғринаман...
Бирам соғинаман...

Лекин гўё орадан минг йиллар ўтиб,
Мана, тагин қошига борарман.
Унда мени ўша оловлигим олар кутиб,
Ўша телба ёшлигимни тагин кўрарман.
Орзуланаман.
Бирам соғинаман...

Тошкент – сирли ёғдулар шаҳри,
Ёғдулари ила кўзимни олган.



Усиз мен қандай ҳам яшаб юрибман,
Ахир унда менинг Юрагим қолган!
Иккиланаман.
Қандай яшашни билмайман...
Фақат соғинаман...
Ҳамон соғинаман!..

БИЛСАМ


Измингга сололмас экансан қалбни,
Мени эзиб қўйди нотайин бир ғам.
Сизга тўнкай десам барча айбни –
Мендан қайғулироқ экансиз, билсам.

Хаёллар топишди бошимда макон,
Ўйларим узаяр қанча ўйласам.
Сизни атай десам бебурду нодон
Мендан ақллироқ экансиз, билсам.

Билмам, қай бир истак билан севиндим,
Кўзимга бошқача туюлди олам.
Ўзимга ҳаммадан гўзал кўриндим,
Мендан чиройлироқ экансиз, билсам.

Умидлар бағрига отдим бор ҳисни,
Оппоқ ниятлар-ла яшадим хуррам.
Орзу осмонида ёт дедим сизни,
Мендан орзулироқ экансиз, билсам.

Тиладим, толедан энг зўр тахтимни.
Наҳот! Мен шунчалар бесабр одам?!
Сиздан юксакларда кўрдим бахтимни,
Мендан ҳам бахтлироқ экансиз, билсам!



ЁШЛИК

Елларда тўкилиб-тўкилиб барглар,
Ерларга тушдилар йиғлашиб юм-юм.
Юрак қаър-қаърида ётган у дардлар
Дилнинг чок-чокидан сўкилди бир зум.

Кўзимдан окди-ю ёшларим дув-дув,
Бирма-бир тушдилар қатор-шошқатор.
Хаёлимдан ўтар бирма-бир, зув-зув,
Ўшал хотиралар такрор ва такрор.

Самода учсалар қушлар уриб чарх,
Майсалар буласа юзини нурга.
Ёшлик йилларимни эсласам, карахт
Туйгулар ҳам кўзин очишар зўрға.

Бу кун биз улғайиб-улғайиб энди
Турмуш қон-қонига сингиб ҳам кетдик.
Ширин дамларимиз қайтса қанийди,
Зўр-зўр орзуларга балким етардик.

Вақтни сарфламоқдан на чора ахир,
Ҳамон ёшликдайн ёшдир лек юрак.
Дунё айланса-ю ўтмишга гир-ғир –
Умрбод ёшликда қолсайди фалак.

...Елларда тўкилиб-тўкилиб барглар,
Ерларга тушдилар йиғлашиб юм-юм...

ЭХТИРОМ

Муҳаммад Юсуфона


Онажон! Мен сизни асрай билмадим!
Сочингизнинг қорасидан оқлари кўпроқ.
Онажон!
Ё бир оғирингиз енгил қилмадим,
Кечиринг, дилингиз доғлари кўпроқ.

Гуссали кунингиз чексиз бўлса ҳам,
Мен сабаб овора, оворадирсиз.
Ўзингизнинг дилингизга азоб тўлса ҳам,
Менинг дардим кўриб садпорадирсиз.

Мен кимга ўхшатай Сизни, Онажон?!
Тунлар бошларимда ўтирган ким бор?!
Мен-ла йиғладими қўшилиб бир жон,
Ё кўзи нигорон, кутдими зор-зор?!

Онажон, дунёнинг дарди кўп экан,
Мен ўтдай туташдим ўшал бор дардга.
Онажон, дунёнинг марди йўқ экан,
Мен ҳар дам зорикдим бир сиздай мардга.

Меҳрингиз эвазига берганим шуми?
Бир парча шеър ёзиш –
Шуми эхтиром?!
Гар ҳақ демай, халқум деса бу жоним –
Она, мен ўша кун бўламан тамом!



ОЖИЗЛИК

Жуда кетгим келарди:

.....жуда!

Ох, бу маъсуд дамлар жафоси -

Юрагимни тирнар бехуда.

...Ахир унинг йўқ-ку хатоси?!

Юрагимнинг йўқ-ку хатоси!

Мен кўрқаман.

...Жуда кўрқаман.

Шарпа каби кезган ўйларим –

Бир...Кимгадир бўлса деб аён:

Ҳайқиришга йўқ сира ҳаддим!..

Қийқиришга йўқ сира ҳаддим!..

О, қайдадир мен кутган нажот,

Қайдан келдинг, бегона қайгу?

Улғаймоқда кўксимдаги дод,

Гуллаб-яшнай бошлаган кўрқув!

Илтижолар, безор бўлишлар,

Зорланишлар, минг бор ўлишлар,

Ўлишингдан олдин бир боксанг...

О, бу дардга хушнуд кулишлар,

Кула туриб...Ханжар уришлар!!!

...юрагимга ботмайдими бу?!!

СЕВГИМ


Ҳамон Сени эслаш —
Севиш, соғиниш,
Кутиш, бедор излаш
Ва хавотирланиш —
Ёнган юрагимга
яна ўт калар.
Ҳолимга тушунмай
Ҳайрон ўзгалар.

Ҳолимга тушунмай
Ҳайрон ўзгалар —
Нечун пуч умид-чун
Мендан ўпкалар?
Билмасларки, севгим
Ёниқ туморим.
Узу-у-ун кўчаларда
Кўзи хуморим.

Юрагимдан бошка
Ҳеч нарсам йўғу,
Кимсасиз оламда
У экан борим.
Шу бор бойлигимдан
Жудо этиш-чун
Уриниб кўришса
Дилга битиш-чун —

Ўзгача “оғриқ”ни
Дейлик нафс, манфаат,
Аммо уринишлар
Зое кетиш-чун -
Мен ҳамон севаман,
Ҳамон эслайман,
Соғиниб кутаман,
Хавотирланаман.

Гар севгим асраса
Ҳар не балодан,



Мен бундан ўзгасин
Сўрмам Худодан.
Билмасларки, севгим
Ёниқ туморим,
Офат-балоларда
Бир халоскорим.

Мени қалбдан бошқа
Ҳеч бир нарсам йўқ!
Ёп-ёлғиз оламда
У менинг Борим.
Севгим – Каъбатуллоҳ,
Парвардигорим!

ТОМЧИ

Томчисан, шунга ҳам шукр қил, дўстим,
Денгиз бўлмоқликка уринма ортиқ.
Фахрлан шунга ҳам ахир не илож,
Сенга шу насиба Оллоҳдан тортиқ.

Денгизлар қўйнида яшайсан сен ҳам,
Бахтингу дардингинг бари ўзингда.
Тириклик қонуни ўзгармас шундай:
Зўр ҳам бор, зор ҳам бор бу кенг ўзанда.

Сен шундай яшаки, лол қолсин олам,
Лек дардингни дoston этмагин зинҳор.
Афсусу надомат қилмагин, чунки
Орамизда томчи бўлмаганлар бор.

* * *

Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин,
Номардга айтгувчи арзинг бўлмасин,
Қалбингга заррача ғубор қўнмасин,
Ўзи ярлакасин қодир Худойим.

Кимнидир чайнама, қилмагин ғийбат,
Зинҳор кек сақлама, қилма адоват,
Ёмон кунларингда қилгин каноат,
Ўзи ярлакасин қодир Худойим.

Нимани излайман дунёда ҳамон,
Бойликми, шуҳратми, пулми ё виждон,
Нимани излайсан, Ҳазрати Инсон,
Ўзи ярлакасин қодир Худойим.

У дунёни ўйла, майлига бир зум,
Ахир не қилайлик, ҳақ албат ўлим,
Жонинг омонатдур ўзингга маълум,
Ўзи ярлакасин қодир Худойим.

Беш кунлик дунёда хор бўлма зинҳор,
Номард ёрдамига зор бўлма зинҳор,
Иймонинг доимо бўлсин сенга ёр,
Ўзи ярлакасин қодир Худойим!

МАЪРИФАТСИЗЛИК


Дунёни қутқариш керак –
Ожизликдан,
Маърифатсизликдан,
Ҳақиқатсизликдан,
Меҳру шафқатсизликдан –
Қутқариш керак!

Жасорат асли нима?
Чўғ мисол ёнар юрак.
Қайнаб-тошади, шошади –
Унга йўл бермоқ керак.

Аммо уни негадир букарлар,
Ёш ниҳол мисол эгарлар.
Кимлардир йўлин тўсиб,
Чўғини кулга кўмарлар.

...Етар энди бу ашула!
Яшаб бўлмас-ку беюрак.
Ёнсин тафаккур деб ахир –
Дунёни қутқариш керак!!
Онгсизликдан,
Маърифатсизликдан,
Ҳақиқатсизликдан,
Оқибатсизликдан,
Тағин “нима”сизликлардандир
Қутқариш керак,
Қутқариш керак!!

...Ниҳоят кўп жанглар бўлди,
Қурбонлар бўлди,
Қурбонлар - асл тафаккурли жонлар бўлди.
Жонлари кетса ҳам кўнгиллари тўлди.
Хоинлар ўлди.



Порахўрлар ўлди,
Нафси зўрлар ўлди,
Илмсиз гўрлар ўлди.
...Шунда Дунё ёшариб кетди...

* * *

Ўз овозим билан кула олмадим,
Ўз кўзларим билан йиғлай олмадим.
Энг баланд дорларга осилган эдим,
Ўз қўлларим билан ушлай олмадим.

Овозим бўғишди, кўзларим куйди,
Қўлларим кесилди, дорга етмади.
Юрагим беркитиб, шунча ёлвордим:
Валек юраксизлар инсоф этмади.

Ўткинчи бу олам мунчалар талаш,
О, бунча фалокат – Юраксиз яшаш!

* * *

Мана, мен қилмаган
ҳунар қолмади:
кўнгилга чўқдим
кўнгилга ботдим.
Узо-оқ экан осмон,
Ер экан қаттиқ,
Мен жимгина кўкка
Тикилиб ётдим.

... узо-о-оқ экан осмон...

ДАДА

Дада, инкирозлар тамом,
Биз уйга кетдик.
Асрлик курашлар сўнггида чарчаб,
Асрлик бардошдан юраклар кемтик.
Шуни қололмабмиз жангларда асраб...
Дада, қўймабмиз-а қалбни ҳам аяб!


Неки азоб бўлса, ол, кўнгил, дебмиз,
Ҳасрат бўлса бўлсин, сол, кўнгил, дебмиз,
Дада, қанча экан ўзи умримиз,
Майли, битта оҳдан қол, кўнгил, дебмиз.

Сўнгсиз адоватлар чеки кўксимдир,
Бидъатлар ўлими кўз кароғингиз,
Биз-чун ўзгаларга хусумат недур?
Дада, ка-атта экан-а Юрагимиз?!

Неча қўллар келди “мадад” бўлмакка,
Тулпорингиз миниб, учиб юрсангиз,
О, қоғоз пуллардан қаср курсангиз –
Дада, ишонибмиз “дўстман!” деганга.

Давринг сурганингда улфат кўп экан,
Ёлғон хушомату мақтов хўп экан,
Кўзинг кўр қилишиб, пана-панада
Оёғингга урувчилар тўп-тўп экан.

Биз... адашиб қолдик,
Чангалзор экан.
Қоялар чўққиси... О, етиш ҳадик!
Ва келиб ваҳший бўрилар галаси –
Кулишди. Юлишди. Биз...Индамадик!
Яратганга бердик яратганларин,



Майли, майли. дея яшайверибмиз.
Неча огрик сўзу таъна кўзларни
Кўнгил зормандага ташлайверибмиз.
Бир битмас нолани бошлайверибмиз.
Дада, о, билмаган эканмиз бизлар!

Билмаган эканмиз кўнгил зорларин,
Кўзлар алдовини билмас эканмиз.
Факат черта билиб қўшиқ торларин,
Дунё ҳам шу тордай тоза дебмиз биз!
По-о-окиза дебмиз биз!!

Дада, ялинмайлик бизлар ортиқча,
Дардни май билан ҳам юволмайсиз сиз.
Ҳаётда номардлар ошиғи олчи,
Аммо у номардлар бўлмайсиз сиз.

Кунлар ўтиб, сиздан дардлар кетмади,
Лек ҳоксор бир умид талпинди жонда.
Қаранг, бир “дўст”ингиз ёд ҳам этмади,
Фарзандларингиз қалқон бўлди тўрт ёнда.

Энди ҳикоялар сўйлаб кизингиз,
Ўтмиш ёзмангизни жим варақлайди.
Не кунлар кўрмабди бир бошгинангиз,
Иншооллоҳ энди НУР чарақлайди!

... Дада, ҳа-а-амма инқирозлар тамом!
Юринг, Уйга кетдик!..
Биз уйга кетдик...

ТОШКАНДАН НОМА

Кумушона

Онажон!

Биз томонларда фасли мезон
Кунларининг сафоси кечмакда,
Биз — қизингиз эса шу томонларнинг
жуда-жуда содиқ бўлган гадоси
Битмакда:


Яшаб юрибмиз кўнгил деган
Улка-ан салтанат ила.
Сиз-чи у томонларда эмишсиз
Ҳамон ҳалак ҳақимиз тилаб.

Кўйинг-а, онажон, энди қўйинг сиз,
Наҳот бизлардан ҳеч тўймадингиз сиз.
(Бизлардан, яъниким, мен ва кўнглимдан...)

Ҳаққи рост, орзуларим бўйга етди, ҳа,
Имоним комилки, орзуларим рост эди.
Мен яшарман ахир шу мамлакатда.
Онажон, майли денг,
Тақдир ўзи холис экан...

Фақат соғинч деган бир гумроҳ дўстим бор,
Кунда йўқлаб келиб, тунаб қолади.
Уйгота олмайман, кет деёлмайман.
Нетайки, кўнглим ҳам уни суяди.
Жуда каттиқ-қ суяди!

Ёмон-ей, о, бирам ёмон-ей,
Бу ерларда сизни сўз-ла сўйишар.
Омон қолдиммикин шунча суиқасдлардан,
Ишонмасман ўзимга ҳам билсангиз агар.



Ая!

Бу ғалати номамни олиб

(билиб турибман)

Синчиклаб ўқирсиз ҳар бир жумламни.

Такрорлаб ўқирсиз ҳар бир жумламни.

Мен-чи? Мен эса...

Тунлари бедор бўлиб

Китоб қилмокчи бўламан бутун оламни!

Онажон!

Ҳозир биз томонларда фасли мезон

Кунларининг энгил сафоси.

Биз: Кўнгил ва мен ҳамон сарсон

шаҳри Тошкан гадоси...

Учиб юрибмиз гўёки ҳаммадан кўра,

Оппоқ умидларни кўнгилга ўраб...

Ая, бир келсангиз, кўрсангиз, дейман,

Сизсиз татирмиди бу ерлар. қайдам?

Бир келсангиз эди, келолсайдингиз...

Онажон, тугатдим номамни, мана,

Айтганча. мен ҳамон ўшаманми, а?..

* * *

Кўрганмисиз маъюс баҳорни?

Шавкат Раҳмон

Кўрганмисиз маъюс баҳорни?

Маъюс кезар гоҳида баҳор.

Ғамлар билан боғ, дараларни

Ҳазин безар гоҳида баҳор.

Потраб чиққан чечак юзида
Қандайдир бир армонни кўрдим.
Хушовоз у булбул созида
Дард тўшаган хазонни кўрдим.

Эски қирлар, асрий адирлар
Ғамгин ётар ер билан яксон.
Лола билан тўлишган қирлар
Кўринади бағрлари қон.

Юракларда туйғулар тоша
Ҳамма шодлик ила қаршилар.
Ҳар гал эски адирлар оша
Баҳор маъюс кезади, дўстлар.

Кўмсайман шу баҳорни ажаб,
Ғамларимга гўё шерикдай.
Айтаман дардимни шивирлаб,
Баҳор менга худди тирикдай.

* * *

Кўнгил даричасин очиб қўй, дўстим,
Дунё ишларидан беҳабар қолма.
Кўзингни дургамас, оқибатга тик,
Ва зинҳор уларни қалбдан ўчирма!

Қалбим оқибатга балки ташнадир,
Бировнинг дилини билмайди дилим.
Шодлик кунларимда хўп севинганман,
Лекин қашшоқларда эди хаёлим.

ОНАМ

Гуноҳларга кўмилиб колсам,
Бу йўлларда зериксам, толсам,
Дунёнинг ҳам баҳридан ўтсам —
Худоларга тиланган — Онам.

Дўст деб билсам “дўстман!” деганни,
Бол деб есам захар берганни,
Бошим тошга урган маҳалим —
Кўзларимга кўринган — Онам!

Бахтли юрсам давру давронда,
Ногоҳ колса дилим армонда,
Ўша олис кишлок томонда —
Иссиқ кулча илинган — Онам!

Ўйнаб юрсам мисоли тойчок,
Хаёлимдан ўчади фироқ,
Тушларимда кўллари титроқ —
Бошларимни силаган — Онам!

Дил соғинчмас, шон-шавкат тилган,
Юрагимда армон кўл бўлган,
Ҳаммадан ҳам яхши деб билган —
Ёмон қизин соғинган — Онам!

ҚАДИМ-ҚАДИМ ЗАМОНДА...

Қадим-қадим замонда, деб
Эртак бошларди момом.
Сўзларига бериб зап зеб
Чўпчак бошларди момом...


...У олис куй. Қадим замон.
У бир эски хотирим.
Бу кун эртак тинглайдиган
Ёшим эмас ҳеч, дўстим!

Йироклардан кўзлаб чиқиб
Етиб қолсак манзилга.
Хотиралар кўзин очиб
Мўраларкан кўнгилга.

Туйғулар ҳам кўтарса бош
Тузоғида ўраласан.
Юрагингда ҳислар талош,
Хотирларга бериласан.

Қадим-қадим замонда, деб
Эртак бошларди момом.
Сўзларига бериб зап зеб
Чўпчак бошларди момом.

Биров дилим тушунолмас,
Мени ким ҳам билади.
Дунёлардан кечиб бир пас
Эртак айтгим келади –
Қадим-қадим замонда. деб...



* * *

Булутлар устидан
Учиб ўтаман...
Руҳим баландликларда.
Бала-а-андликларда!
Жисмим қийналади бу ер юзида,
Жоним азоб чекар
Ёмонликлардан!

Нечун ер кўтариб яшар –
Шунча харобазор,
Ҳаромликларда,
Чириб боради-ю бани одамзод –
Ўлиб бормоқда-ю шармисорона
Тагин асраб юрар,
Тагин асраб юрар –
Нопокликлардан!

Руҳ титрай бошлайди,
Потирлар,
Тўлғаниб чиққуси келар
Кўлмакларда –
Ҳамон чириб борар жисмларимиз
Ўзимиз касал қилдик покиза Руҳни ҳам,
“Нафс” отли ўргимчак инин курар
Юракларда.

Ботиний хаёл-ла сўрарман,
Умидли савол-ла сўрарман
Парвардигордан.
Руҳу жисм покланиши-чун
Бизларга йўл кўрсат,
Имон бер
Шу тирикликда!



Тирикликда покланиб олайлик
То у дунё остонасида
Яланглигида
Довдираб турмайлик,
Қақшаб турмайлик.
Худойим-ей,
Негадир жудаям кўрқиб кетяпман...
Таҳликаликда.


Эй, бозор аҳли!
Савдогарлар аҳли!
Бор нарсани “нафс”га ҳисоб қилгувчилар,
“Бандаман” дея бир-бирига хитоб қилгувчилар,
Ўзимизнинг ҳам “жон ҳисоби”миз бор –
Бу савдогарликда.

Ки, гадомиз,
ки, пошшомиз биз.
Тарозу палласида тенгмиз
Баробарликда.

Рух ташлаб кетгуси келар,
Озорланар,
Ёмон қийналар,
Ёмонликлардан,
Яшагиси келар бечорагинанинг
Савдо бўлмайдиган
Омонликларда.

...Ғариб руҳ учиб боради
Булутлар устидан –
У баландликларда.
Бала-а-андликларда –

Ғолиб Рух учиб боради!..
ҒОЛИБ РУҲ!..



МАЖНУН ТОЛ

Қўлга олиб қалам, дилда ҳис теран,
Сенга битгим келди ашъор, мажнунтол.

Балки уятдандир бошинг эгилган,
Қуёш тафтигадирсан зор, мажнунтол.

Инсон мавжудоти ажиб хилқатдир.
Бири ҳалол, бири беор, мажнунтол.

Ғамларга бўлибсан беаёв асир,
Беш кунлик дунёдан безор, мажнунтол.

Йўқ-йўқ, эгилганинг ғамларга эмас,
Ғам эмас, чехрангда баҳор. мажнунтол.

Балким ўртанганинг севгидир бесас,
Лайлиси ишқида бедор Мажнун тол.

Турибсан эгилган бошларинг маъюс,
Дилингда минг битта ағёр, мажнунтол.

Мен кўзим узолмай турибман ҳануз,
Мен ҳам сен каби бир бемор, мажнунтол.

МАРСИЯ

*Ўзбекистон халқ шоири
Муҳаммад Юсуф хотирасига*

Бевафо кўп экан асли дунёда,
Беимон, беҳислар ундан зиёда,
Безорликдан титраб, қақшаб арода –
Ҳайрон бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.

Дунё ким ҳам бўлиб, нени кўрибди,
Ақлдан келибу нақл сўрибди,
Бугун сўппайиб бир ўзи турибди,
Гирён бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.


Очилмай жамолин кўзланар ғунча,
Осмонда юрганлар кўп экан мунча,
Ўзин Худо дея билганлар ичра –
Инсон бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.

Сиз йўқ, булбул яна қилади наво,
Сиз йўқ, дунё ҳамон ичрадур рўё,
Неча-неча оғриқ дилларга даво,
Дармон бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.

Бу назми гулшанлар сиз йўқ хўп сўлгин,
Сиз ғариб буюксиз, эмассиз юлгин,
Бу бўстон ичинда ягона, гулгун
Райҳон бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.

Эсласам, сиз йўқсиз, дилим ғашланар,
Дунё-чи, ҳамон ит итга ташланар,
Сиз айтган қиёмат бугун бошланар,
Пинҳон бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.

Жон каби жонимга биттагина малҳам,
Келармикан яна сиздайин одам,



Лойиксиз жаннатдан улуғига ҳам,
Ҳокон бўлиб ўтган Муҳаммад Юсуф.

Дунёлар ҳам ўхшаб қолди сўқирга,
Ё, Раб! Кўниқолмам бебош тақдирга,
Кўролмай қолган бир Шаҳноздай фақирга –
Армон бўлиб кетган Муҳаммад Юсуф,
Эссизгина кетган Муҳаммад Юсуф!!!

ЎҒЛИМ

Муҳаммад Юсуфнинг онасига

Ўғлим, биламан, сен қайтиб келасан,
Ўғлим, одамларнинг сўзлари ёлғон.
Сен менга аллалар айтиб келасан,
Ўшанда ҳовлимиз тутади райҳон.

Ўғлим, тўрғай кўнглинг чўкиб кетмасин,
Онам ёлғиз, дея ўйлама зинҳор.
Фақат юрак бевақт ўксиб кетмасдан
Йўқлагин онангни майлига бир бор.

Қунлар ўтаверар. Сендан дарак йўқ.
Йил ўтар. Келмайди сендан хат-хабар.
Ўғлим, онангда ҳеч аввалги юрак йўқ,
Остонамдан пойлаб туради ажал.

Фақат байтларингни ўқийман такрор,
Ўқийман кўзларим кўриб-кўрмасдан.
Ўғилгинам, келгин майлига бир бор,
Кела қол бир қари онанг ўлмасдан.

Ўғлим, биламан, сен қайтиб келасан,
Ўғлим, одамларнинг сўзлари ёлғон.
Сен менга аллалар айтиб келасан,
Бир кўрай, ўшанда майли, чиқсин жон,
Рухсорингни кўрай бир, Муҳаммаджон!

* * *

Она, сиз йиглайсизу...
Мен беқарорман –
Бесабр боқаман вақтнинг измига.
Сиз ҳазин боқасиз
Шикаста дил-ла
Бир умр тушунмай телба қизига.
Она, сиз йиғламанг...

Мана, мен асовман,
Учиб юрибман,
Бир сакраб самога етишим мумкин,
Дунё-дунё ғам-ла олишиб, енгиб,
Елкамга орқалаб кетишим мумкин –
Фақат сиз йиғламанг!

Ёруғ кунлар келар Худо хоҳласа,
Бир умр кутганим, бир умр йўқлаб.
Ба-а-арча орзуйингиз рўёби келгай,
Фақат сиз унгача куйманг, сиқилманг –
Она, сиз йиғламанг!

Рости, мен ҳам дардкаш,
Юрагим оғрир,
Оғир бу савдолар юлар бағримни.
Менинг ҳам бошимда туганмас ғамлар.
Кутарман биргина Хайрин Тангримнинг –
Она, сиз йиғламанг...

...Эҳ, бу унут дамлар,
Ўтиб кетади,
Ташвишлар этагин тутиб кетади.
Она, ҳу-ув осмонда Худо бор экан,
Фақат Худо бизнинг зорга етади!
Она, сиз йиғламанг!
Унут бу кунлар...
Мана, мана мен асовман!!!

* * *

Узоқлардан чучмома исин
Олиб келар дайди шамоллар.
Сезиб дарҳол ненидир сасин
Бошим олиб кетар хаёллар.

Чечакларга ўралган замин,
Ўрик гулдан бошда чамбарак.
Оҳ, бунчалар экан у ширин!
Оҳ, бунчалар завқли бу дарак!


Кўмилади гулга бошимиз,
Қўлларимиз етар ҳар ёкка.
Лекин бирдан ўтгач ёшимиз.
Хазон тушар биз юрган боққа.

Шундай: Инсон недан айрилиб,
Неларгадир бир кун етади.
Бирдан ортга боқса қайрилиб,
Болалиги қолиб кетади.
Узоқларда чучмома иси...

МЕН ЙИҒЛАҒАН КЕЧА

Бугун кўнглим қолди ҳамма нарсадан.
Саноксиз азоблар чўкир руҳимни.
Дардлардан юрагим тўлгани-тўлган,
Валек айтолмам ҳеч кимга оҳимни.

Алданган боладай ўксикман бу тун,
Ўксиган ҳолимга боқармисан, Раб!
Кўзларим... кўзларим тўлдирган маҳзун,
Йиғлагим келмоқда осмонга қараб.



Бир тушдай яшабман ортимга боқсам,
Шунча узунмиди бу лаънати туш?!
Агар мен саробга яралган бўлсам,
Худо, мени қилиб қўйгин битта қуш!

Учи-иб кетаверай...
Олислаб кетай.
Қанотларим...Майли, ярадор бўлсин!
Ахир...
Эй, Худойим!
Ожизман, нетай,
Мендек ожизангга раҳминг ҳам келсин!

Нима қилай яна?!
Ёзаверайми??
Шеър бу – ғийбат... ғийбат...
Ғуноҳга ботдим.
Йиглаб ёзганимни биров биларми?
Шунча дардим ёзиб...
Оловга отдим!

* * *

Тунда капалак кўрдим,
Ёлғиз эди у.
Ёлғизланиб кетди ўз уйигача.
Тонгда бойкушилар уйғотди мени,
Билолмадим фалак ўйнин ҳалигача.

* * *

Мен тамом Сизники
ва сизникиман;
Менинг далли дардим ва туйғуларим!
Мени ухлатолмас аллалаб лекин
Ғалати-ғалати ўт орзуларим.

.....
Сиздан ҳам ётмасман, ғам-қайғуларим.

Менга чирмовукдай ёпишар ҳислар,
Вужудим ва руҳим қийналару жим
Ўзига юпанч излар.

Ҳиссиёт бандига айландимми мен,
Нени зор-интизор кутаман? Зорман?
Ҳалак бўлиб ёнган юрак бетаскин
Пичирлаб ё янграб айтар:
“Мен борман!”

Бу ҳаёт кўшкидан алданиб бир-бир
Йўқолиб боради мен суйганларим.
Ва икки кафтимда қолади бир шеър –
Менинг бедорликда жим туйганларим...

Ёзяману..
Кўнгил тўлмайдди тагин..
Бу дил ёзмишим қай дилга етади?
Барибир, бир умр ёр бўлган дарднинг
Ҳаммаси ичимда қолиб кетади.

...Валек мен Сизники..
ва сизникиман –
Менинг далли дардим ва туйғуларим!



ЎКИНЧ

Изламоғим керак эди Сизни мен,
Излашга...
Нимадир халақит берди.
Кўзламоғим керак эди Сизни мен,
Кўзлашга...
Кимлардир халақит берди.

...Сизнинг дунёингиз ўзгадир, ўзга...

Мен тунларни дард-ла кучоклаб ўтдим,
Кўлим артолмади тошдай ёшимни.
Мен...Сизни қандайдир истамай кутдим,
Букдим энди сизсиз қолган бошимни.

...Сизнинг дунёингиз ўзгадир, ўзга...

“Афсус”, ҳам демадим валекин бахтсиз,
Бахтиёрдай кула олмадим ҳам лек.
Шунчаки...Энди мен қолдим ёп-ёлғиз,
Ва дарду ғамларим туришолмас тек.

...Сизнинг дунёингиз ўзгадир, ўзга...

Сизни асролмадим бир калқон бўлиб,
Бахтингиз тиладим дуоларимда.
Сиздан ажраб қолдим.
Ажралиб қолиб,
Мунг билан тентидим дунёларимда.

...Сизнинг дунёингиз ўзгадир, ўзга...

АЛДОВ

Бизни чорламайди бахтнинг гуллари,
Ҳимоясиз кушдай чарх урар юрак.
Эй, сиз алдайдиган дилнинг зўрлари,
Наҳот кулмок учун йиғлатмок керак?

Вужуд саргаштами... Ё рух носоғлом.
Бир нағма туфайли жон берар рухим.
Кузнинг хазонлари шу – бизга пайғом,
Шундайкан. кўкламдан недир умидим...

Иккиланган нурдай жоним бўғзимда,
Зимистон кечалар билмас қадримни.
Бирибир...бирибир...


Гуноҳ ўзимда!

Гул деб, тиконларга тутдим қалбимни.

Эссиз!

Эссиз энди бекадр жоним,
Умрбод сен билан яшаб келдимми?
Гул – армон, нур – армон, сен ҳам армоним,
Бу аччиқ ёзукни энди билдимми?

Тагин одам экан,
Одамман экан,
Ғам ва кулфат аро куйдим, курашдим.
Ва бир кун бу умрим тугалланаркан,
Йўқ, мен яшамабман, йўқ...
Мен адашдим...



МЕН УЗОҚ ЙЎЛЛАРДАН КЕЛАЁТИРМАН

Боболарим ўтиб кетган бу йўлдан,
Момоларим ўтиб кетган бу йўлдан,
Бутун хоки пойим ўтиб кетган бу йўлдан –
Мен узок йўллардан келаётирман.

Ором топсин энди боболар руҳи,
Бутун Шарқни кезди Румийнинг охи,
Ясавийга бўлди бир ер – паноҳи,
Мен узок йўллардан келаётирман.


Югнакийлар қони оқар конимда,
Қошғарийлар ёди ёр ҳар онимда,
Фирдавсийдек бобом бор бу жонимда –
Мен узок йўллардан келаётирман.

Мудом от ўрнини босади той, дер,
Оламини титратди занжирбанд бир шер,
Ўзбекнинг қуёши бобом Алишер,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Дунёда юрт ишқи бунча оғир, оҳ!
Ҳеч бандани юртга зор қилма, Оллоҳ,
Фироқларда фарёд чекди Бобуршоҳ,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Оламга келди бир зотки давангир,
Саргардон айланди жаҳонни гир-гир,
Қул Машрабни шоҳ деб айтса, минг арзир,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Бу йўлда не жонлар бағрин тилганлар,
Тилимли бағрни кимлар билганлар,
Нодиралар жонин фидо қилганлар,
Мен узок йўллардан келаётирман.



Маҳзуна юзлари маҳзун шул сабаб,
Увайсийлар қалби вайрон шул сабаб,
Зебуннисо кўзи гирён шул сабаб,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Ҳамонки дилимда шу сўроқ армон,
Бу армонга сира тополмам дармон,
Боболарим ўтган Носиру Чўлпон,
Мен узок йўллардан келаётирман.


Ҳамид Олимжонлар назмда нодир,
Шайхзода байтига кўнгиллар асир,
Устозлар устози устоз Миртемир,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Истиклол насими эсар элимда,
Минг бир шукронам бор ғариб дилимда,
Зулфиядек аёл бор бу назмда,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Ўзбек деган номки бор бу дунёда,
Ўзбеклар байти ҳам боқий ҳар дамда,
Эркин Воҳид борки, борки Абдулла,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Эсласам, юрагим кетар эзилиб,
Афсунлар ўқийман ҳаётга боқиб,
Муҳаммаддек оғам ўтди оҳ чекиб,
Мен узок йўллардан келаётирман.

Томиримда оккан табаррук қонлар,
Шу йўлдан борарман мен ҳам саросар,
Менга мадад бўлинг эй, азиз жонлар,
Мен узок йўллардан келаётирман.



Бу йўлларни орзу қилмайди ким ҳам,
Бу олис йўлларки поёнсиз бирам,
Шу йўлдан қулабми, чакнабми мен ҳам,
Шу узок йўллардан келаётирман.

Боболарим ўтиб кетган бу йўлдан,
Момоларим ўтиб кетган бу йўлдан,
Бор аждодим ўтиб кетган бу йўлдан.
Мен узок йўллардан келаётирман.

* * *


Неча жонга она меҳрибон замин,
Бағрингда яшарман умр-ла ширин,
Кўнгил азоблардан тўлганда, лекин
Олис осмонингга олиб кет мени.

Юртга сепин ёйиб келибди кўклам,
Афсуски уч ойлик меҳмондир у ҳам,
Баҳор, юрагимни чулгайди алам,
Мангу маконингга олиб кет мени.

Шеърият! Шеърият, жону танимсан,
Сен менинг тилани-иб олган инимсан,
Гоҳо ёш жонимга ўзинг ғанимсан,
Тахти равонингга олиб кет мени.

Эй, ожиз одамзод, эй, умри азиз,
Бепарво яшама. яшама ҳиссиз,
Рўёлардан бездим, энди сен ёлғиз,
Тоза виждонингга олиб кет мени.

Шеър ёздим.
Бехосдан оғриниб кетдим,
Дунёда кимнидир соғиниб кетдим,
Дунё, ишларингдан гунг бўлиб кетдим,
Бурро забонингга олиб кет мени.
Тилло тахтларингга солиб кет мени.



БАХТИҚАРО ОНА ТУШЛАРИ

Ёлғизман.

Чиндан ҳам жуда ёлғизман,

Ғамларга бардош-ла гарчи тик турдим.

Тушимда ўнгимдан баттар бахтсизман.

Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!

Унут бўлган эмас унинг излари,

Ҳамон кўз олдимда ёнар кўзлари,

Кўйлагидан келиб турар ислари,

Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!

Э-воҳ, шум ажалнинг шамоли ўлсин,

Уруш қилганларнинг уруғи курсин,

Менинг тушларимни қаёқдан билсин,

Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!

Ихтиёр ўзимда бўлса қанийди,

Ўлим сенмас, мени олса қанийди,

Тушларимга кирмай қўйсанг, майлийти,

Болам, тушларимда бир сени кўрдим!

Ёлғизлик азоби қийнайди мени,

Айрилиқ дилимни тирнайди мени,

Тушимда ҳам руҳи қўймайди мени,

Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!

Тирик бўлса агар тўй килармидим,


Худодан ўғилу қиз тилармидим,

Тушларимда келинчак кўрармидим,

...Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!

Ҳатто қабри ҳам йўқ, йўқлаб боргани,

Фақат тушларимга кирган-киргани,



Бу шўр пешонамга сиғмай қолгани –
Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!

Ёлғизман.

Чиндан ҳам жуда ёлғизман,
Ғамларга бардош-ла гарчи тик турдим.
Тушимда ўнгимдан баттар бахтсизман –
Афғондан қайтмаган боламни кўрдим!..

САРҲИСОБ ФАСЛИ


Ҳар куз кўзларимда
Ҳазон куйлари.
Ўйлайман...
Ўқотганларимни топдимми –
Билмайман.

Шу сўроқ қаршисида
Турғайман.
Умримнинг сўнггигача
Ўйларман...

Нега?
Такрор шу савол қаршисида
Ўйларман...

...Кўклам роса ёш эдим,
Ғўр эдим,
Бор рангларга ишондим.
Аммо...хато қилдим, бу хатони
Қилмадим, дея тондим.

Унутмоқчи бўлдим бутун ёз,
Ҳароратим ошди.
Дунё ажойиб эди,
Ақлу ҳайратим шошди.



Хатоларим таън олмай
Боримни ҳам бой бердим.
Куз – сарҳисоб фасли –
“вой!” дедим.

Кузда кўзларимда
Хазон куйлари...
Ўйлайман.
Қиш келса-ю тезроқ,
Бор ўйларимни
Қор кўмса оппоқ.

Шикаста умидим бу,
Мажруҳ, нотавон.
Шундай ўз-ўзин алдаб
Ўтаркан инсон!


Мен фасллар қаршисида
Тургайман.
Умримнинг сўнгигача
Ўйларман!..

БОРМИ?

Бевафонинг ёлғони кўп,
Сўзларида рости борми?
Бу дунёнинг осмони кўп,
Бу дунёнинг ости борми?

Бу дунёнинг хушёри кўп,
Гўзалликка масти борми?
Жонни жонга бедори кўп,
Бир-бирига қасди борми?

Бу дунёда ҳамма Худо,
Худо берган ризқи борми?



Кимлар қисматдан жудо,
Ўхшаши бор, фарқи борми?

Кимларгадир бу дунё қанд,
Кимгадир кам-кўсти борми?
Бу дунёда ҳамма баланд,
Бу дунёнинг пасти борми?

Бу дунёда Шаҳнознинг-да
Ишонган бир дўсти борми?

* * *

Ҳеч ким англолмади бир-бирларини,
Дилдан сақлолмади дил сирларини.

Ё раббим!
Йўлларинг мунча нотекис,
Ойдин эт илойим охирларини.

Ғазабми, ўкинчми, бағрим этган хун,
Кўтара олмадим оғирларини.

Одамлар яшарлар асли не учун,
Инсофга тўлатгин бағрларини.

Кўрдим баландларда бадавлатларин,
Пастдаги зору зор фақирларини.

Мен нетай!
Тирик бир ожиз бандангман,
Обод қил ўтганлар қабрларини.

Ёмонлар жазоси ёмонлик билан,
Бегуноҳ тортмасин жабрларини.

Яхшилик колмабди дунёда буткул,
Ҳамма дариғ тутса меҳрларини.

Эй, Шаҳноз!
Ният қил энди инчунун,
Дунё ҳам сақласин Хизрларини.

ТУТҚУН

Бир куни ҳаммаси ростга айланар –
Барча пуч бир хаёл деган ўйларим.
Бизнинг кўнгилга ҳам бахтлар бойланар,
Ердан кўтарилар кўкка бўйларим.


Бахт куши, бахт куши
Учар ер бағр.
Тутиб олай десам,
Кўлимда занжир.

Шунчалик ғамларга бағрларим кенг,
Музлаган кўксимни илитмас олов.
Бу ерларни бесўз ташлаб кетсам мен,
Устимдан кулмаса, боқмаса биров.

Дайдиман. Дайдишга
Юрагим ҳозир.
Лек нетайки, ҳатто
Оёқда занжир.

Мен – кўнглига ўзи тутқун бўлган кул,
Ҳазонларда сарсон учиб юрган барг.
Мен – боғларда хандон отиб очган гул,
Ногаҳон узилиб, бўлдим жувонмарг.

Энди денгизларга
Айлансам арзир.



Лек нетайки, хатто –
ЮРАКда занжир.

Аммо...

Хей, денгизлар, мени кучоқланг,
Мангу бағрингизда қолиб кетай мен.
Ахир бу оламда қуллар холи танг,
Фақат бир денгизда ҳамма-ҳамма тенг.

Кетишдан кўркмайман.

Кетмоғим фарздир.

Бу қул кўнглим озод,

Дунёлар занжир!

УЗУН ОРЗУЛАР

Дунё экан, кимдир сарбаланд,

Кимдир бўлса жони минг абгор.

Менинг эса дунёда бир кафт –

Узун-узун орзуларим бор.

Дўст топмадим дилимга доим,

Ўзим тинглаб, ёздим дардимни.

Фақат асра, асра, Худойим –

Узун-узун орзуларимни!

Қагта йўлга чиқдим мен бир кун,

Сўз бермадим йўлда ҳеч кимга.

Яшайвердим етишмоқ учун –


Узун-узун орзуларимга.

Балким, ёруғ пешонам абад,

Балким, мангу азоб битилган.

Мен кетсам ҳам кетарман фақат –

Узун-узун орзулар билан!



КАПАЛАК

Парчаланган тузок кўлида,
Бўғриқиб йиғлайди капалак.
Шўрликнинг хаёли гулида,
Учгиси келади жонҳалак.

Бўғриқиб йиғлайди капалак,
Тузоқлар дастидан йиғлайди.
Дунёда беқанот, беюрак
Бойкушлар борлигин билмайди.


Билмайди, капалак билмайди,
Кимлардир зарга ё зўрга кул.
Баландрок орзу ҳам қилмайди,
Унинг бор тилаги – битта гул.

Ахир шу битта гул учун ҳам
Жонини кийноққа солишди.
Гул ҳидин, гул дардин билмай ҳам
Юлғич кўллари-ла тортиб олишди.

Капалак, бенажот капалак,
Раво кўрдиларми унга тиконни?!
Дод солиб деди-ю, “Ё, фалак!”
Парчалаб юборди тузоқни!..

Бойкушлар!
Ҳасадгўй хей, кушлар!
Толёнинг ўз ҳукми битилган:
Дунёда гул сизга ярашмас,
Гул капалак учун яралган!

...Суйгани – гулини кучади,
Капалак бахтиёр учади!..



ВАҚТ

Ҳамон чиқиллайди бу эски соат,
Вақтнинг хоинлиги, бетизгинлиги —
Борган сари маҳзун дилимни эзар...
Наҳот тополмасам сабру қаноат,
Кўнглим ўз-ўзидан нохушлик сезар.


Сиз менга бир жавоб айтинг-чи, она,
Борми ҳаққуш дилнинг бирор бахтлиги?
Кўзларим толеъим кутиб толади...
Деворлари мағрур шу зулмат хона —
Бир умр йўлдошим бўлиб қолади.

Дераза пардасин ўйнайди шамол,
Унга алам қилар беқанотлиги.
Маккор ҳаёт менинг ҳисларим ўйнар,
Ҳа, унга жуда кўп келдим мен малол,
Шўрлик туйғуларим туғилмай ўлар.

Орзуим: Бир оппоқ дунё топсайдим,
Бўлмаса эди ҳеч омонатлиги.
Яйраб яшасайдим, тортинмай кулсам,
Бахтли одамлардан уялмасайдим,
Тўйиб-тўйиб, ўкраб-ўкраб йиғласам...

Нечун Инсон Зулмат багрига лойиқ,
Негадир тугамас беқисматлиги.
Бу зулмат ҳаётни англаш вақтидир.
Балки инсон учун шу асл тортиқ.
Балки бахтсизлиги унинг бахтидир.

Менга ҳаёт дарсин тушунтирар Вақт,
Ва тинмай чиқиллар бу эски соат...



* * *

У кетди олисга –
Шаҳарга мафтун,
Қандайдир ҳисларга тўлиб юраги.
Олтин дили гўё ўхшаб бир мисга,
Ва деди: “Бу ерда йўқдир керагим”.

У етди манзилга –
Бир кунмас бир кун.
Қандайдир ҳисларга тўлиб юраги.
Орзулари уни бошларди йўлга,
Бирдан машҳурликнинг келди дараги.

У бахтли яшарди –
Ўзидан мамнун.
Қандайдир ҳисларга тўлиб юраги.
Гўёки йигирма ёшга ёшарди,
Ҳузур бағишларди қатта юрмаги.

У вақти келсаки,
Багри бебутун.
Қандайдир ҳисларга тўлди юраги.
Қамсиз ҳаётида бирдан кўрсаки,
Йўқ эди қишлоғин таниш тераги,
Ва билди бу ерга йўқдир кераги.

У қайтиб келарди –
Қўлида тугун,
Қандайдир ҳисларга тўлиб юраги.

КЕНГГА КЕНГ ДУНЁСАН

Сен бўлмасанг йўқдир бу еру само,
Сен бўлмасанг йўқдир нур, шуъла, зиё,
Барчага баробар дейишлар хато –
Кенгга кенг дунёсан, торга тор дунё.

Шукр, осмонимиз ёруғ, нурафшон,
Лек кимлар ақлли, кимлардир нодон,
Кимлар нолиб ўтар, кимлардир шодон,
Кенгга кенг дунёсан, торга тор дунё.

Сенинг ишларингдан хунобдир кимлар,
Кимлар мазах қилиб, устингдан кулар,
Ўртада кезиб мен бўлдим саросар.
Кенгга кенг дунёсан, торга тор дунё.

Зимистон кечада кулар ҳам учкун,
Васлингга кимлардир хали ҳам мафтун,
Юзингга қаролмас кимдир, шунинг-чун
Кенгга кенг дунёсан, торга тор дунё!

МЕН – МАШРАБНИНГ АВЛОДИ

Қасамки, қонимда Машраб бор...

Ҳалима Худойбердиева.

Девонамен, бошимда кулоҳ –
Аё, мендурмен ўшал “гумроҳ” –
Ки, Раббимдин ўзгаси душман –
Дилимдадур Оллоҳ, Оллоҳ!!

Бородурмен қилиб жанглар,
Қулмен ўзи битта саросар,
Ондин барча хангу манглар,
Асли одамизоддур гумроҳ!


Мен – Машрабо қаландармен бир,
Ёлғизгина дарбадармен бир,
Лек ўтларда самандармен бир –
Тани ўтда, лек чиқмагай ох!

Девонамен, бошимда кулоҳ,
Аё, мендурмен ўшал “гумроҳ”,
Ки, Раббимдин ўзгаси душман –
Дилимдадур Оллоҳ, Оллоҳ!

Бир бошига қанча ғаними,
Ҳабибидин кўпдур ҳарифи,
Ахир у – жахоннинг ғариби,
Нахот шунча кўп унда гуноҳ?!

Менинг қоним Машраб конидур,
Бу йўл унинг қолган номидур,
Қисматимиз валеқ шонлидур –
Покдурмиз алҳамдулиллоҳ!

Мен бир Девонамен,
Дилимда Оллоҳ!



ҲАСРАТ

(ҳазил)

Ҳасратлашди мен билан
Қўшни аёл бир куни:
Қаранг, шу ҳам ҳаётми,
Ухламай чикдим туни.


Қизиқсинаб сўрадим:
Нечун ухламадингиз?
Уйқу келмадими, ё
Бетоб бўлиб қолдингиз?

Кошки шундай бўлсайди,
...Эр ўлгур ичиб келди.
Меҳмон судраб келиб денг,
Мени безовта қилди.

Тагин эрталаб туриб,
Не дер денг яшшамагур!
Қарамадинг меҳмонга.
Дейди менга эр ўлгур!

Бошқа аёл бўлса гар
Уйни ташлаб қочарди.
Бундай эрнинг дастидан
Мелисага чопарди.

Яна ҳам токат қилиб
Яшамадим йигирма йил.
Бу эркак билан яшаб,
Қон бўлди бутун кўнгил.



Кўп ичарми эрингиз,
Шунча ташвиш қиласиз?
Сиз менинг кўнглимдаги
Дардни қайдан биласиз?

Ўғилни уйлаш керак,
Қиз бўй етиб турибди.
Йиғай десам, пулларни
Бу эр ичиб турибди.


Бу арокнинг дастидан
Кун бормикан бизларга?!
Ютолмасдан ичимга,
Ёриламан сизларга.

Қайдан пайдо бўлибди
Бу ароқ яшшамугур?!
Қайдан бино бўлибди
Менинг ҳам эрим ўлгур!

Ҳасратини тингладим
Аёлни икки соат.
Тинглаб-тинглаб, охири
Тугади сабр, тоқат.

Ишим бор эди-я, деб,
Чопиб кирдим уйга тез.
Кира солиб дафтарга
Шеър ёзиб қўйдим у кез:

Арокни ким чиқарган?!
Келсин менинг ёнимга.



Кўлимни берар эдим
Ҳамдардларча кўлига.


Соғ бўлинг, дўстим, дердим,
Арок чиқариб туринг.
Кўшни аёл эрига
Тез-тезда элтиб туринг.

Агар элтиб турсангиз
Кўшни ухлай олмасди.
Эртаси куни эса
Менинг бошим қолмасди.

ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

Кушлар кайғусида
Кўзимни очдим,
Ёлғиз дарахтларга
Кўнглимни сочдим,
Ўксиган булутлар
Келдилар тўлиб,
Дарду ҳасратимга
Кўнгилдош бўлиб –
Ҳамдард бўлолмадим!

Анув ярқираган
Оймомони деб,
Осмонга учишни
Кўрган эдим эп.
Билсам, Тун қароси
Бўлмаса агар,
Ойнинг гўзаллиги
Бир пул бўларкан!
- Нечун билолмадим?!



Кейин тоғлардаги
Оҳуни севдим,
Ўшанинг юраги
Энг оппоқ девдим,
Валек кўп кўришиб
Унга дунёни,
Сайёдлар қон килди
Оппоқ оҳуни.


Асраб қололмадим!

Гулгун давраларда
Ҳоким нигоҳлар,
Хилватда беркиниб
Йиғлайди оҳлар,
Зўравонлик қилиб,
Кулган каззоблар,
Менга ҳам қасд ила
Тутар шароблар –

Ва лек мен ичмадим!

Қўрқоқлик жонимга
Нишин санчди-ю,
Бўғзимдан ҳадигу
Хўрлик ўчди-ю,
Баралла оламга
Жар солиб, дедим:
«Мен Ҳақиқат учун
Ўзимни енгдим!»

... Ортик яшолмадим!..



КЕЧИРИМ

Ҳеч бирингиз билан тил топишолмадим,
Жону жигарларим, қариндошларим...
Мени ёмон кўрманг, ҳеч ёмон деманг!
Юрагимнинг акси – оққан ёшларим...

Биламан, ортимда хатоларим кўп,
Оғирлашиб борар умр тошларим.
Менинг ҳаётимдан завол қидирманг,
Бахтли яшайверинг, синфдошларим!


Рост экан сиз айтган ният ҳам, ном ҳам,
Худбин юрагимда бир ўзим қолдим.
Худбин курсдошингиз хотирасида
Негадир ғамгинсиз, шўх курсдошларим...

Мен адашган умрим ўнглай олмадим,
Ҳеч кура олмадим тузук бир кўним.
Асли кўнглимга Уй қуришган экан –
Дарду озорларим – гунг сирдошларим.

Сиз-чи, сира қилманг гина ҳам, арз ҳам,
Жону жигарларим, қариндошларим.
Жисму жуссамдан ҳеч хавотир олманг,
Ахир юрагимда кўп бардошларим.

Дарбадар кезаман оламини сарсон,
Китобларга томар оққан ёшларим.
Дарбадар кезишар мен билан улар,
Китобларим – менинг пок дарддошларим.

...Фақат китобларим ишонар бир кун –
Осмонга етади эгик бошларим.
Осмонларга етар... Буюк бошларим...



АДАБИЁТ

Бу маконда мени биров алдамайди,
Хотиржам юришим мумкин, беҳадик.
Жиноятим юки оғирдир тайин,
Бирок бунда ҳамма дардимга шерик.

Қандоқ энгил экан, қандоқ осуда,
Кунларим бегуноҳ, кўнглим бегуноҳ!
Дилим фарёдлари ўзимга сирдош,
Ўзимга дугона руҳимдаги оҳ.


Хайриятки, ҳеч ким этмайди таъқиб,
Хайриятки, умрим қуюндек тўзмас.
Менинг ғанимларим бўлганми ўзи,
Бўлганми дўстларим – бу ҳам аёнмас.

Қандоқ энгил экан, қандоқ осуда,
Кунларим бегуноҳ, кўнглим бегуноҳ!
Менга кулоқ солинг, менга қўл беринг,
Аҳли Адабиёт – аҳли илмгоҳ!

Менинг умрим кечар китобхонада,
Азобхона берар мастоналигим.
Юрагим ёнмоқда, руҳим ёнмоқда,
Буюк килиб борар девоналигим.

Севсам, мен севгумдир адабиётни,
Ёнсам, адабиёт учун ёнишим.
Ўлсам ҳам ўлмагай янгроқ овозим,
Қолсам, адабиёт учун қолишим!


Мен ёмон кўраман қуруқ ҳаётни,
Севаман,
Севаман Адабиётни!



МУНДАРИЖА

Орзулар қасрига йўл	3
Юрагим сен чарчадим дема.....	5
Ўзбегим	6
Боряпман	7
Элегия	8
Ханжар	9
“Бечора” дейилган кимсага	9
Фарзанд нидоси	11
Ўлмоғимиз бор.....	12
Тазарру	13
Югуриб кетяпман	14
Бу ёмғир меники томчилари-ла	15
Арз.....	16
Юрт хоки	17
Бу дунёни оппоқ кўра олсайдим	18
Қарғамангиз мени.....	19
Адашган оху фарёди	20
Бемор дарди.....	21
Мени севинг, мени унутинг	22
Ушалмас орзулар мамлакатада.....	23
Ок қуш	24
Шоирона	25
Кўпинча йиғлагинг келади.....	26
Таассуф	27
Онамга мактуб	28
Бу дунёнинг манзиллари.....	29
Ноумидлик	30
Тафаккур.....	31
Ғурур.....	32
Унутиб яшайман ғуссаларни мен.....	33
Гуноҳ.....	34
Аламлардан ҳайданг Сиз мени.....	35
Нодонлигим.....	36
Осмондан тушганман.....	37
Йиғлайверар	38
Сиз олисда, мен чорасиз.....	39
Ёруғ кунлар хумори	40
Туни билан ёмғир ёғарди.....	41
Худога топширдим ўзимни	42
Кузги кўшиқ	43
Алам	44
Ишонч	45
Ҳадик	46
Ер ноласи	47
Орзуларим қасри.....	48

Чиройли бир туш кўргин.....	49
Тошкент	50
Билсам.....	51
Ёшлик.....	52
Эхтиром.....	53
Ожизлик.....	54
Севгим.....	55
Томчи	56
Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин... ..	57
Маърифатсизлик.....	58
Ўз овозим билан кула олмадим.....	59
Мана, мен қилмаган.....	59
Дада.....	60
Тошкандан нома.....	62
Кўрганмисиз маъюс баҳорни?.....	63
Кўнгил даричасин очиб кўй, дўстим.....	64
Онам.....	65
Қадим – қадим замонда.....	66
Булултар устидан	67
Мажнун тол.....	69
Марсия	70
Ўғлим	71
Она, сиз йиғлайсизу.....	72
Узоқлардан чучмома исин.....	73
Мен йиғлаган кеча	73
Тунда капалак кўрдим... ..	74
Мен тамом Сизники	75
Ўкинч	76
Алдов.....	77
Мен узоқ йўллардан келаётирман	78
Неча жонга она меҳрибон замин.....	80
Бахтиқаро она тушлари	81
Сарҳисоб фасли	82
Борми?.....	83
Ҳеч ким англолмади бир-бирларини.....	84
Тутқун.....	85
Узун орзулар.....	86
Капалак.....	87
Вақт	88
У кетди олисга	89
Кенгга кенг дунёсан	90
Мен – машрабнинг авлоди.....	91
Ҳасрат	92
Ҳақиқат жарчиси	94
Кечирим.....	96
Адабиёт.....	97



Шеърлар

ҚАНДИЛАТ ЮСУПОВА

Оҳу фарёди

Муҳаррир

Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Нозима ТУЙҒУНОВА

Босишга 23.07.2013 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 3,125. Шартли босма тобоғи 5,25.

Гарнитура «Time New Roman». Офсет қоғози.

Адади 200 нусха. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да

берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru